O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 23-sentabr • № 39 (3816)

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ВА ХОРАЗМГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21—22 сентябр кунлари жойларда амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, хусусан, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда айни кунларда пахта йиғим-терими авж палласида. Давлатга 185 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилган қорақалпоғистонлик миришкорлар етиштирилган мўл ҳосилни териб олишда карвонбошилик қилаётганлари айниқса қувонарлидир. Сурункали давом этган қурғоқчиликдан азият чеккан пахтакорлар кейинги икки йилда алоҳида тадбиркорлик билан иш тутмоқдалар. Бу йил фермер хўжаликлари далаларида кутилганидан ҳам яхши ҳосил етиштирилди. Кегайли туманидаги «Умид» фермер хўжалигида ҳар гектар ердан биринчи теримдаёқ 26 центнердан ҳосил кўтарилди. Нукус туманидаги «Қорақалпоқтомат» корхонасига қарашли тажриба далаларида ҳосилдорлик 70 центнерга етди.

Давлатимиз раҳбари фермерлар даласида бўлиб, бугун фермерлар нафақат экин экиш ва уни парваришлаш, айни чоғда етиштирилган ҳосилни сотиш ва ундан келадиган даромадни аниқ ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўйлаши кераклигини алоҳида уқтирди.

Президент Нукус шаҳрида янги қурилаётган маданият коллежи биносида бўлди. Юртбошимиз бу каби касб-ҳунар коллежларида энг аввало таълимнинг мазмунига, маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини уқтирди. Шу билан бирга, биноларнинг чиройли кўринишининг иш фаолияти билан боғлиқ мазмунга ҳам мос келиши, маданият соҳасида ҳозиргача қўлланиб келинаётган «тўғарак», «маданий оқартув» сингари эски, мантиқсиз тушунчалардан воз кечиш лозимлиги тўғрисида аниқ-равшан кўрсатмалар берди.

Ислом Каримов сафар чоғида яқинда барпо этилган болалар спорт саройи ва болалар аквапарки фаолияти билан ҳам танишди, бу иншоотлар имкониятларини янада кенгайтириш, жумладан аквапаркни болалар руҳиятига мослаштириш тўғрисида тегишли топшириқлар берди.

Президентнинг 2004 йил 21 майдаги «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида Қорақалпоғистонда бир қатор ибратли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Хўжайлидаги 1-Меҳрибонлик уйида амалга оширилаётган реконструкция ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

— Меҳрибонлик уйларида адолат ҳукмрон бўлиши керак, — деди Президент. — Бундай муассасаларнинг тарбияланувчилари ҳам бошқа фарзандларимиз каби тўйиб овқатланишга, яхши кийинишга, таълим-тарбия олиб, ҳаёт завқини суришга ҳақлидирлар.

Ислом Каримов бу ерда амалга оширилаётган реконструкция ишлари юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди, Меҳрибонлик уйига «Самкочавто» заводида ишлаб чиқарилган автобус совға қилди.

Юртбошимизнинг Хоразм вилоятига сафари «Хоразм-палас» меҳмонхонаси билан танишишдан бошланди. Бугунги кунда мамлакатимиз вилоятларида кўплаб замонавий меҳмонхоналар қад ростламоқда. Юртбошимизнинг фикрича, бундай меҳмонхоналар ҳар жиҳатдан бугунги талабларга жавоб бериши керак ва шундагина мамлакатимизга кўплаб сайёҳларнинг келишини таъминлаш мумкин бўлади. Шу маънода Урганчда махсус туризм коллежини очиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Юртбошимиз шу куни Шовот каналида қайта қурилган замонавий кўприк иншооти билан ҳам танишди.

Сафарнинг иккинчи куни Президентимиз Янгибозордаги марказий шифохонани кўздан кечириб. Давлатимиз раҳбари бундай шифо масканлари замонавий асбоб-ускуналар, техник жиҳозларга эга бўлгандагина самарали иш олиб боришини таъкидлади. Вилоят туманлари бир-биридан у қадар олис эмаслигини ҳисобга олиб, маълум тиббий йўналишлар бўйича ихтисослашган шифохоналар қуриш ва уларга малакали кадрларни жалб этиш муҳим эканлиги алоҳида уқтирилди.

Ислом Каримов Урганчадаги 39-болалар боғчасини ҳам бориб кўрди. Бугун вилоятдаги 532 мактабнинг 56 таси бутунлай янгиланаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Галдаги вазифа — таълим-тарбияни талаб даражасида ташкил этиш, ёш авлод онгида Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик туйғуларини шакллантиришдан иборат.

Президентимиз Маъмун академияси фаолияти билан танишди. Академия кейинги йилларда бир қатор илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган бўлса-да, Юртбошимиз уларнинг самараси ҳали қониқарли эмаслигини уқтирди. Хоразмий, Беруний каби улуғ алломалар меросини ўрганиш, Хоразмнинг бугуни ва эртасига хизмат қиладиган илмий хулосалар тайёрлаш зарурлиги айтиб ўтилди. Зотан, бундай академиянинг мавжудлиги ва у олиб бораётган ишлардан дунё олимлари ҳам хабардор бўлишлари керак.

Сафар давомида мамлакатимиз раҳбари вилоят пахтакорлари билан ҳам мулоқотда бўлди. Президентимиз ошкора ва самимий мулоқотлар чоғи фермер хўжаликларига, деҳқонларга кенг имкониятлар яратишни, улар ишига тўғаноқ бўлмасликни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Юртбошимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига сафари чоғида қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини янада яхшилаш, уларга ҳар жиҳатдан қулайлик яратиб бериш масалалари алоҳида диққат марказида бўлди.

«ҚИРМИЗИ ОЛМА» ИСТАНБУЛДА

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ҳар йили йигирмадан ортиқ мамлакатлардан келган театрларнинг халқаро фестивали бўлиб ўтади. Бу йил ушбу нуфузли фестивалга Ўзбек Миллий академик драма театри «Қирмизи олма» спектакли билан иштирок этди.

«Қирмизи олма» спектаклини фестивал қатнашчилари, турк томошабинлари қандай кутиб олишди? Сафар таассуротлари баҳонасида бугунги театр, театр ва томошабин, репуртуар муаммолари тўғрисида спектакл режиссёри Мунаввара АБДУЛЛАЕВА билан суҳбатлашдик.

— Истанбул шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган нуфузли фестивалда иштирок этганимиздан жуда бахтиёрман.

«Қирмизи олма» спектаклини катта саҳнада намойиш этдик. Ўриндиқлар тўлиб, жой етишмай қолди. Фестивал иштирокчиларига актёрларимизнинг аввало актёрлик маҳорати, уларнинг жонли ижроси, миллий урф-одатларимизнинг саҳнавий талқини маъқул бўлди.

Давоми бешинчи бетда.

ДЎСТ ХОТИРАСИ

Таниқли бошқирд адиби, улкан шоир Мустай Карим 86 ёшда оламдан ўтди. Мустай Карим адабиётимизнинг яқин дўсти эди. У Зулфия, Абдулла Орипов, Шукрулло ва бошқа шоирларимиз шеърларини бошқирд тилига катта самимият билан таржима қилган. «Уч дўст ҳақида ривоят» китобида дўстлик, меҳр-оқибат ва дунё ҳақида фикр юритиб, ўзбек адибларига меҳрини алоҳида самимият билан ифода этган.

Адибнинг «Ой тутилган тунда» тарихий драмаси Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия томонидан она тилимизга таржима қилинган ва театрларимиз саҳнасида қўйилган эди. Мустай Каримнинг «Болалигим» романи эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов таржимасида китобхонларимиз томонидан севиб мутолаа қилинмоқда. Шоирнинг «Шеърлар ва достонлар» китоби ҳам Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло томонидан таржима қилиниб, чоп этилган.

Машҳур адибнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов Бошқирдистон Ёзувчилар уюшмасига ҳамдардлик телеграммаси йўллади.

450076. Уфа шаҳри,
Бошқирдистон республикаси
Ёзувчилар уюшмасига

Замонамизнинг улкан шоири, ўзбек адабиётининг қадрдон дўсти ва ташвиқотчиси Мустай Карим вафоти муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республикамиз адабий жамоатчилиги ва шахсан ўз номимдан чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Мустай Карим асарлари жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллагани, бу барҳаёт ижод ўз руҳига кўра ўзбек халқига ҳам яқин эканлигига шубҳа йўқ.

Биз, ўзбек ёзувчилари, Мустай Карим вафотидан чуқур қайғудамиз. Эзгулик ва дўст-биродарлик куйчиси, бошқирд халқининг фидойи фарзанди хотираси бизнинг қалбимизда ҳам абадий яшайди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси

ТАБИАТ ЗУҒУМНИ КЕЧИРМАЙДИ

Ўтган ҳафтада бутун жаҳон аҳли Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунини нишонлади. XX асрда фан ва техника мислсиз даражада тараққий этди. Айни чоғда саноат корхоналаридан она Ернинг ягона ҳимоя қобиғи ҳисобланмиш атмосферадаги озон қатламини емирувчи моддаларнинг меъёрдагидан ортиқ даражада чиқарилиши туфайли инсон ҳаёти ва жамики тириклик учун катта хавф-хатар туғилаётгани эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Олимлар она сайёрамизда иқлимнинг кескин ўзгариб бораётгани ва ҳароратнинг глобал даражада кўтарилаётгани сабабини ҳам ана шу хатарли жараён билан боғлиқ равишда изоҳламоқдалар.

Ўтган йил кузида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган «цунами» тўфонлари, шу ойнинг бошларида Американинг Мексика кўрфази ва бошқа денгизбўйи соҳилларида минг-минглаб одамлар ёстиғини қуритган ва мислсиз вайронгарчиликлар олиб келган даҳшатли тўфонлар ҳам сайёрамиз атмосферасида бўлаётган техноген ўзгаришларнинг таъсиридир.

Аслида бундай фожиалар инсониятнинг кўзини очиши, табиат билан муносабатда етти ўйлаб бир кесишни, ўйлаб иш тутишни тақозо этаётгани ҳаммага аён ҳақиқат. Аммо вазият шундай бўлишига қарамай, Ер юзида ниҳоятда танг бўлиб турган экологик вазиятни янада кескинлаштирувчи янги-янги режалар тузилаётгани ажабланарлидир. Тожикистон алюминий заводини кенгайтириш режаси фикримизга далил бўла олади.

Шу муносабат билан газетамиз ўзининг аввалдан шаклланган анъаналарини давом эттирган ҳолда экологик муҳитни издан чиқариши мумкин бўлган бундай лойиҳалар хусусида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уни тўғри шакллантириш учун мутахассислар ва экология мавзуида қалам тебратувчи ижодкорларни давра суҳбатига таклиф этди. Суҳбатни газета бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев бошлаб берди.

Давра суҳбати

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ: — Бугунги суҳбатимиз Тожикистон алюминий заводининг ҳар икки мамлакатнинг маълум ҳудудлари экологиясига салбий таъсири оқибатлари ва бу борадаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга бағишланганлиги ҳаммангизга маълум. Газетамиз ўз фаолиятида бу мавзуга жиддий эътибор беради. Собиқ тузум даврида инсон омилини четлаб ўтиб, аҳоли зич яшайдиган жойларга, сув ва ҳаво йўлларига зарарли чиқиндилар чиқарувчи заводлар қурилганлиги ва бунинг оқибати нималарга олиб келганлиги тўғрисида кўплаб мақолалар эълон қилганмиз.

Матбуот хабарлари, мутахассислар, олимлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳаси мутасаддиларининг аниқ-равшан далиллари шунда далолат берадики, 1985 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Тожикистон алюминий заводи мўриларидан чиқаётган заҳарли моддалар Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё ва Денов туманларида экологик вазиятнинг жиддий ёмонлашувига олиб келди. Бу жойда шамолнинг йўналиши шундайки, заҳарли газларнинг 80 фоизи Ўзбекистон ҳудудига, 20 фоизи эса Тожикистон ҳудудига ёйилади.

Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасида атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, мазкур ҳудудда экологик муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган маълум бир ишлар амалга оширилди ҳам. Бу борада ҳукуматлараро Битим имзоланди. Аммо белгиланган тадбирларнинг бир қисми завод томонидан молиялаштирилмагани туфайли тўла бажарилмади.

Матбуот хабарларига қараганда, Россиянинг «Русский алюминий» компанияси билан мазкур заводни кенгайтириш, маҳсулот ҳажмини ошириш режаси тузилган. Бордию бу режа амалга оширилса, шундоқ ҳам оғир бўлган экологик вазият янада оғирлашмайдими? Ҳаво, ер ва сувнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, зарарли чиқиндилар миқдорини камайтириш чора-тадбирлари кўзда тутилганми, бу тўғрида жиддий илмий ва техникавий ечимлар мавжудми — бу масалалар кўпчилик газетхоналаримизни ташвишга солаётгани табиийдир.

Суҳбат давомида конкрет факт ва далиллар асосида шу тўғрида фикр юритсак маъқул бўлар эди.

Ольга СВЕНЦИЦСКАЯ, Ўзбекистон Бош Гидрометеорология маркази атмосфера ҳавосини ўрганиш лабораторияси раҳбари:

— Тожикистон алюминий заводидан ҳавога чиқарилаётган тутунларнинг Ўзбекистон ҳудуди атроф-муҳитига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалда корхона ишга тушган пайтдан буён Гидрометеорология марказимиз томонидан олиб борилмоқда.

Мунтазам тадқиқотларнинг кўрсатишича, заводдан 11,5 км. масофада жойлашган Сариосиё тумани ҳудудида атмосфера ҳавосининг фторли водород бирикмалари билан ифлосланишининг энг кўп даражаси 0,048 мг/м. кубга етган, яъни йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордагидан 2,4 баробар кўплиги кузатилган. Тупроқ ва ўсимликларда ҳам фторли бирикмаларнинг кўп миқдорда тўпланиб қолиш ҳоллари аниқланди. 1991-1996 йилларда, яъни корхона кам қувват билан ишлаб турган кезларда Сариосиё ҳавосининг фтор бирикмалари билан ифлосланиш даражаси ундан аввалги йилларга нисбатан бир оз камайгани кузатилган эди. Кейинчалик яна ҳавонинг ифлосланиш даражаси ошиб бориши давом этди. 1994 йилдан буён «Ўзгидромет» томонидан ҳавонинг фторли водород оғулари билан ифлосланиш даражаси бир кеча кундуз давомида мунтазам равишда 8 мартадан аниқлаб борилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўсимликлар учун фторли водород бирикмаларининг Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган йўл қўйиш мумкин бўлган экологик нормативларига биноан, бу бирикмаларнинг ўртача бир кеча кундузлик даражаси 0,0033 мг/м. куб, бир марталик энг юқори миқдори эса 0,0096 мг/м. кубдан ошмаслиги керак. Чунки ўсимликлар ҳаво таркибидаги фторли водородга нисбатан ниҳоятда сезувчандир. Бу модда шу сабабли ўсимлик ва тупроқда кўп миқдорда тўпланиб қолади.

2001-2003 йилларда олиб борилган текширишларнинг кўрсатишича (1-расм) узум, шафтоли, анор ва ёнғоқ дарахти барглари фторидларнинг 70-180 мг/кг миқдорида тўпланганини аниқланди. Ўсимликлар бўйича фторидларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган миқдори эса (ПДК) 10мг/кг.дир. Демак, Тожикистон алюминий заводи мўриларидан чиқаётган тутунлардаги фторли водород бирикмаларининг миқдори ўсимликлар учун белгиланган меъёрдагига нисбатан ўртача 7-18 баробар кўп. Алюминий заводининг таъсир доирасидаги ўсимликлар бошқа ҳудудлардагига қараганда кўпроқ шикастланаётгани уларда фтор бирикмаларининг йодни энг кўп даражада ютиши туфайли хлорофилл миқдорининг ниҳоятда камайиб кетганлиги билан изоҳланади. Ўз навбатида ҳаётий занжир бўйича ўсимликларда тўпланиб қолган фтор бирикмалари инсон организмига ҳам ўтиб саломатликка таҳдид солади.

Давоми иккинчи бетда.

ЛИҲОСЛАР ОЛАМИ

Ўзбек Миллий академик драма театри ёш ижодкорлари — либос рассомларининг бадиий асарлари кўргазмасида кўзгуда отаётган тонг билан ботаётган кунинг уйғун ҳолати диққатимни тортди. Сурат «Клеопатра тонги» деб номланади. Рассом нима учун асарни бундай номлаган экан, дея ўйлай бошладим. Чунки тонг одатдаги тонглардан фарқ қилади, унда кишини тушкун кайфиятга солувчи қандайдир мунг бор. Назаримда, бу манзарани «даҳшатли тонг» деб номласа ҳам бўлаверадигандек. Чунки Клеопатра тонгининг отиши кимларнингдир кунининг ботишига тўғри келяпти.

Ўзимча жавоб излай бошладим... Ҳеч кимга сир эмаски, Клеопатра тарихда нафақат малика, балки хушторлари кўп маъшуқа сифатида ҳам машҳур. Халқ орасида маликанинг биргина кўнгилхушлиги неча-неча инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келган, деган нақллар юради. Негаки, малика ўзи ҳақидаги мишмишларнинг кўпайишини истамаган. Унинг эгаллаб турган рутбаси шуни тақозо қилар эди. Рассом ўз асарида мана шу «сир»га нозик ишора қилган кўринади.

Бу суратнинг муаллифи Камолиддин Беҳзод номидаги Рассомлик ва дизайн институтининг театр декорацияси бўлими магистранти Умида Ирматова.

Умида 2000 йили П.П.Бенков номидаги Республика бадиий коллежининг либос бўлимини тугатгандан сўнг, таҳсилни Рассомлик ва дизайн институтида давом эттирди. Ва айнан шу даврда «Миср ёш рассомлар нигоҳида» кўргазмасида Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари асосида яратган либослар тўплами билан муваффақиятли қатнашди. Ёш рассом бу билан чекланмасдан кўп изланди. Изланишларининг самараси, айниқса, «Дунёнинг яратилиши», «Қалбимнинг очилмаган олами» каби икки туркумдаги рангдор асарларида яққол кўринади. Шунингдек, у Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган бир қанча кўргазмаларда иштирок

этиб келяпти. Профессор-академиклар Баҳодир Жалолов ва Жавлон Умарбеков қўлида таълим олган ёш рассом эндиликда Миллий театр бош рассоми Бахтиёр Тўраевдан саҳна асарларида либос рассомчилиги йўналишида сабоқ олаяпти.

Шунингдек, У.Ирматова билан биргаликда, бадиий асарлар кўргазмасида иштирок этаётган, Ғафур Ғулом асарлари асосида яратилган «Ўтган замон ҳангомалари» спектакли учун либослар яратган Лобар Полвонова, Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»идаги либослар ижодкори Гулнора Дадамуҳаммедова ҳамда ёш бўлишига қарамасдан тасвирий санъатда ўз йўлини топаётган Назокат Розиқова ва Фазилат Болтаеваларнинг ҳам ижодий ишлари диққатга сазовордир. Бу ижодкор қизларнинг барчаси Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишланган байрам дастурида бир неча либослари билан қатнашганлар.

Ўз ахборотимиз

ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛ

Соҳилдаги олис овул —
Илдизлари бақувват гул.
Писанд этмас япроғига
Ёғса ҳамки тузли довул —
Отадайин матонатли халқ.

Орол ташлаб кетса ҳамки,
Сувга ташна бўлса ҳамки,
Ватанини кетмас ташлаб.
Элдан чиқмас ўлса ҳамки —
Онадайин муҳаббатли халқ.

Денгизда сузмоқни ўйлаб,
Эшкак йўнар толдан сайлаб.
Соҳил қуриб қолса ҳамки,
Қайиқларин қўяр мойлаб —
Чин ёрдайин садоқатли халқ.

Мўйноқлик шоира Ободон Турдимуродова «Шимолдаги олис овул» шеърида тасвирлаганидек, оғир экологик шароитга қарамасдан Оролбўйи аҳолиси ўз ватанларини севиб, ардоқлаб яшамоқда.

Орол — сайёрамизнинг экологик фалокатга юз тутган бир денгизи бўлгани учун дунёдаги кўпгина халқаро ташкилотлар унинг бўйларидаги ҳаётни сақлаб қолиш йўлида жон қуйдирмоқда. Оролбўйи минтақасида яшаётган аҳолига камарбаста бўлмоқда.

Шу мақсадда «Экосан» халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида 16 сентябр куни Тошкент давлат циркида «Биз Орол болаларига» шиори остида экологик фестивал ўтказилди.

Фестивалда «Менинг уйим — менинг шаҳрим» экологик танловининг якунлари эълон қилинди. Голиблар «ЭКОСАН» ва «Маҳалла» жамғармасининг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

Фестивал дастури бўйича Тошкент давлат цирки фойесида Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекциясининг «Орол рассомлар нигоҳида» мавзуида рангтасвир ва графика асарлари кўргазмаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти модалар театрининг замонавий кийимлар намойиши фестивал қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ўз ахборотимиз

БУГУНГИ СОНДА:

ТАБИАТ ЗУҒУМНИ КЕЧИРМАЙДИ 2
4 ВАФО ВА МУҲАББАТ — УЛУҒ ҚУДРАТДИР
КИНОМИЗНИНГ ИЗЧИЛ ТАРИХИ 5

ТАБИАТ ЗУҒУМНИ КЕЧИРМАЙДИ

Яна алюминий оғуси ҳақида.
Бир замида яшаймиз-ку!
Заҳарли тутун қай томонга ўрламоқда?

Боши биринчи бетда.

Алюминий заводи тутунлари корхонанинг яқин атрофига унча кенг ёйилмаса-да, Ҳисор дарасидан келадиган ҳаво оқими билан Сариосиё тумани ҳудудига, нафақат бу туман, айни чоғда Узун ва Денов туманларига ҳам бутун водий бўйлаб кириб боради. Бу ҳол тоғ-водий шамолларининг ёйилиш доирасида аниқ кўзга таш-

2-расм.



ланади (2-расм). Шўрчидаги метеорология станцияси бўйича шамол йўналишларининг такрорланиши таҳлили шуни кўрсатдики, шимолдан ва шимоли-шарқдан (алюминий заводи йўналишидан) келадиган шамоллар 37 ва 25 фоизларни, жануб ва жануби-ғарб томондан эсадиган шамоллар эса 17 ва 12 фоизларни ташкил этди.

Нуриддин ОТАБОЕВ, Республика санитария-эпидемиология станцияси бош врачининг ўринбосари:

— Ҳозирги кунда ҳам завод мўриларидан ҳавога ўрлаётган тутунлардаги фторли водород, қаттиқ фторидлар, олтингугурт ва азот окислари, углеродлар водий шамоллари билан Сурхондарёнинг шимоли-шарқий туманларига ёйилиб, инсон саломатлигига таҳдид солмоқда. Тожикистон эпидемиология ва гигиена илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари мутахассислари томонидан олиб борилган илмий текширишлар натижасида заводнинг зарарли тутунлари 300 мингга яқин аҳоли яшаётган Турсунзода ва Сариосиё туманлари муҳитини ифлослаётгани, бинобарин, инсон саломатлигига катта зиён етказаётгани аниқланди. Чунки, завод тутунларидаги фторли водороднинг атмосфера ҳавосида, тупроқ ва сувдаги миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордагидан 1,5-3 баробар кўпдир.

Аҳоли томонидан турли касалликлар билан мурожаат қилишлар кескин кўпайди. Айниқса, болалар ўртасидаги хасталиклар ошиб бормоқда. Юқумли, хавфли касалликлар ҳам 1,5-2 баробар ошди. Кўп йиллик тадқиқотларнинг кўрсатишича, завод тутунларидаги фторли бирикмалар тиш ва суяк тўқималарига хатарли таъсир кўрсатади. Сариосиё тумани аҳолиси Сурхондарё вилоятининг бошқа туманлари аҳолисига қараганда 17 фоиз кўп даражада тиш флюорози билан шикастланган. Шунингдек, бу туман аҳолисида касалликларга чидамлилик кескин камайиб кетган, эндокрин ва қон ҳосил қилиш тизимлари хасталиклари ошиб бормоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, Сариосиё туманидаги қиз ва ўғил болаларнинг ривожланиши бошқа туманлардаги шу ёшдаги болаларга таққослаб текширилганда сариосиёлик фарзандларимизнинг бўйи ва вазни камлиги, кўкрак қафасининг торлиги, психофизиологик ривожланиш ҳамда биоэнергетик фаолликнинг сустлиги кузатилмоқда. Айни чоғда Денов, Сариосиё ва Шўрчи туманларининг суғориладиган майдонларида тупроқнинг ҳам фторли бирикмалар билан меъёрдагидан 2 баробар кўп зарарлангани қайд этилди.

Олга МИЩИНА, Республика санитария-эпидемиология станцияси шифокори:

— Кейинги 2-3 йил мобайнида алюминий заводидаги ишларнинг фаоллашиши туфайли давлат санитария-эпидемиология назорати ҳудудий марказлари томонидан атмосфера ҳавосининг яна фторли бирикмалар билан ҳаддан зиёд даражада ифлосланаётганини қайд этилмоқда. Ҳозирги пайтда бундай назорат марказлари 4 жойда муттасил равишда текшириш олиб бормоқда. Биринчиси — заводга 30 километрлик масофада; иккинчиси — 30-50 километрлик масофада; учинчиси — 50-80 км; тўртинчиси — 80 км.дан ортиқ масофада жойлашган. Олинган маълумотлар фторли водород миқдорининг йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан 0,4-0,6 баробар кўплигини, азот диоксиди 2 баробар, углерод оксиди эса 0,3 баробар кўплигини кўрсатди. Денов, Сариосиё, Шўрчи туманларининг суғориладиган майдонларида тупроқ таркибидаги фторидлар миқдори эса меъёрдагидан 2 баробар кўп. Бу моддаларнинг сув таркибидаги миқдори ҳам оз эмас.

Ноила РУСТАМОВА — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассиси:

— Тожикистон алюминий заводидан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган фторли водород бирикмалари, бу ерда мутахассислар таъкидлаб ўтишганидек, ярим миллиондан кўп аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуддаги атроф-муҳитимизга, деҳқончилик ва чорвачиликка, энг ёмони, аҳоли саломатлигига хатарли даражада таҳдид солмоқда. Фторли бирикмалар биринчи навбатда тиш ва суякка емирувчи таъсир кўрсатади, у ҳатто оналар қорнидаги бола организмига ҳам ўз хатарли таъсирини кўрсатиб, ирсият механизмларини издан чиқаради. Оқибатда ўсмирлар носоғлом тарзда вояга етмоқда. Одамлар одатдагидан 2-3 баробар кўп касалланмоқда. Аёлларда камқонлик, бепуштлик авж олмоқда. Туғилаётган чақалоқлар ўртасида турли аномалиялар билан дунёга келиш ҳоллари кучаймоқда. 18 ёшли йигитлар ичида кекса ёшли чолларга ўхшаб тиши тушиб кетганлар анча-мунча. Завод атрофидаги ҳудудларда ҳатто мол боқиб бўлмайди. Ҳаммасини тиши тушиб кетаётир. Агар заводнинг иш жараёнларида бирор носозлик юз берса, инсон саломатлиги ва табиий муҳит учун тузатиб бўлмас оқибатлар келиб чиқади. Айни чоғда табиатнинг энг ноёб субтропик ҳудудлари ҳам завол топмоқда.

1995-1996 йилларда икки республика ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича иккита йиғилиш ўтказилди. Ўзбекистон ва Тожикистон томонидан Битимда кўзда тутилган ишларни амалга оширувчи олимлар ва мутахассислардан иборат гуруҳлар тузилди. Бу гуруҳлар 4 та илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқдилар. Ана шу дастурлар асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Тожикистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда «1996-2000 йилларда Тожикистон алюминий заводидаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ва техникавий ишларнинг ягона дастури»ни ишлаб чиқди ва 284 минг АҚШ долларини харажат қилишни тақозо этадиган бу дастур ҳар икки томондан тасдиқланди. Ҳукуматлараро битимнинг 5-моддасига биноан бу дастурни маблағ билан таъминлаш Тожикистон алюминий заводига юклатилган эди. Мазкур дастурда Тожикистон алюминий заводининг таъсир доирасидаги ҳудудларда экологик вазиятни баҳолаш ва яхшилашга йўналтирилган комплекс ишлар кўзда тутилган эди. Бироқ, амалда бу дастур ҳаётга татбиқ этилмади.

Шунга қарамай, ҳукуматлараро Битимни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Сариосиё туманидаги назорат постларини қайта жиҳозлаш учун 1 миллион 600 минг сўм, шу жумладан лабораторияларни таъмирлаш учун 267,7 минг сўм маблағ ажратилди. Жаҳон банкининг «Табиатни муҳофаза қилиш органлари тизимлари ишини мукаммаллаштириш» дастури бўйича атмосфера ҳавосининг фторли водород билан ифлосланиши даражасини назорат қилиш мақсадида 2003 йилги грантлар ҳисобидан «ГАНК-4» фторли водород миқдорини аниқловчи автоматик газ анализаторлари харид қилинди. Атмосфера ҳавосининг фторли водород, олтингугурт диоксиди ҳамда азот оксиди билан ифлосланиши ҳамда ўсимликлар учун экологик нормативлар ишлаб чиқилди. Бу ишлар Республика Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси томонидан молиялаштирилди.

Тожикистон алюминий заводи қувватларининг оширилиши ва Хатлон вилоятида яна шундай янги заводнинг қурилиши ҳеч сўзсиз экологик вазиятни янада оғир аҳволга солиб қўяди. Атмосфера ҳавосининг фторли водород бирикмалари билан ифлосланиши ҳаддан зиёд ошиб кетади. Бу эса барча ҳайвонот ва набатот оламига, айни пайтда шу ҳудудда яшовчи аҳолининг соғлиги учун тузатиб бўлмайдиган даражада оғир оқибатларни келтириб чиқаради. Бу масалани трансчегаравий муаммолар тарзида экологик, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларни аниқ кўзда тутган ҳолда икки давлат қўламида биргаликда ҳал этиш ниҳоятда зарур.

Ахрор САЪДУЛЛАЕВ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари:

— Алюминий ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида қўлланадиган бирикмаларга фтор моддаси қўшилади. Фтор — галогенлар гуруҳига кирувчи кимёвий элемент. Оч сариқ тусли, бадбўй ҳидли заҳарли газ. Алюминийни ишлаб чиқариш жараёнида у сарғиш ва оч кулранг кукун тарзида ҳавога ёйилади. Фтор инсон соғлиги ва ўсимликлар ривожи учун ниҳоятда зарур бўлган йодни сўриб олади. Шунинг учун ҳам фтор бирикмаларининг ўсимликларда тўпланиб қолиши йод етишмовчилигини келтириб чиқаради. Оқибатда ўсимлик барглари хлорофиллар миқдори кескин камайиб кетади ва ҳаётий зарур бўлган фотосинтез жараёни бузилади. Ўсимликлар, бинобарин, турли набатот олами ҳар хил касалликларга қарши чидамлилиги, яъни иммунитетини йўқотади. Тожикистон алюминий заводининг таъсир доирасида бўлган ҳудудларда мевали дарахтлар баргининг ялпи даражада сарғайиши ва қуриб қолиши кузатилмоқда. Хурмо дарахтлари гули ва мева тугаклари ва катта миқдорда тўкиб юборилмоқда. Токзорлардаги узумлар ҳам айни пишиш чоғида чириб кетмоқда. Айниқса, Сариосиё туманидаги анорзорлар фторли водород бирикмаларидан кўп талофот кўрмоқда. Анор меваларининг 30-40 фоизи чириб тўкилиб кетмоқда, қолганлари ҳам пишмай қоляпти. Пишишга улгурганлари сақлаш ва қайта ишлашга яроқсиз бўлиб чиқяпти. Пиллачиликда эса тут дарахтлари баргининг қуриб қолиши оқибатида пилла қуртининг озиқа базаси бутунлай бой берилди. Албатта, фторли водород бирикмаларининг инсон саломатлигига ҳам хатарли таъсири бор.

Алексей АРАПОВ, «Бойсун» маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси:

— Марказий Осиёнинг шимолдан Ҳисор тоғлари, жанубдан Амударё билан ўралган Сурхондарё вилояти антик даврда шаклланган қадимий тарихий-маданий ёдгорликларга ниҳоятда бойдир. Тоза ҳаво, чашмалар ва тоғ ирмоқларининг суви, серҳосил замин, инсон меҳнатининг қудрати билан бу ҳудудда бетакрор маданий муҳит яратилган. Бу жиҳатдан Бойсун минтақадаги ягона экомаданият тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у асримиз бошларида ЮНЕСКО томонидан инсоният маданиятининг дурдоналаридан бири сифатида эътироф этилди.

Бойсундан унчалик узоқ бўлмаган Узун туманида эса, яъни ўрта асрлар Чағониёни марказида X-XI асрларда бунёд этилган «Оқ остона бобо» деб номланувчи қадимий исломий мақбара жойлашган. Унинг пештоқида ҳанузга қадар жаҳоннинг бирор жойида учрамайдиган иккита ўзига хос бетакрор космограмма тарзидаги нақшлар сақланиб қолган (суратга қаранг). Ҳар

иккала геометрик мураккаб нақшларнинг марказида Куёш рамзи туширилган бўлиб, уларда Ҳаётнинг давомийлиги спиралсимон ўсимлик новдалари орқали ифодаланган. Шу икки нақшинкор суратларда илгари сурилган Маъно ва Моҳиятни теран идрок этишнинг ўзиёқ Инсон ва Табиат муносабатида минг йиллар мукаддам яшаган одамзод аждодларининг табиат билан, атроф-муҳит билан инсоннинг уйғун яшаши нечоғли зарурат эканлигини англатувчи маънавий васиятларни илғаб олиш қийин эмас.

Ҳар бир авлод экомаданиятга доир меросни асраб-авайлаши ва уни келажак авлодларга бусбутун ҳолда қолдиришга масъулдир. Шўролар даврида Ўзбекистон жанубининг экологияси пахта далаларининг заҳарли дефолиантларидан қаттиқ зарар кўрган бўлса, собиқ иттифоқ ҳукуматининг узоқни ўйламай бу жаннатмонанд ҳудудда йирик алюминий завод-гигантини қуриш тўғрисида чиқарган қарори туфайли келиб чиққан оғир экологик вазият ҳозир ниҳоятда катта муаммо бўлиб қоляпти. Аслида бу корхона собиқ иттифоқнинг ҳарбий-саноат комплексини янада ривожлантириш мақсадида қурилган эди. Шунинг учун ҳам заводни арзон электр қуввати билан таъминлаш мақсадида Вахш дарёсида йирик ГЭСлар қурилди. Ҳозир йилига 300-400 минг тонна алюминий ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхона хатталиги жиҳатидан МДҲ ҳудудидаги тўртинчи йирик корхона ҳисобланади. Завод мавжуд қувватлар билан ишлаган 1982-1989 йилларда ҳар йили ҳавога 40.000 тоннага яқин зарарли моддалар, шу жумладан 300-400 тонна фторли водород бирикмалари чиқарган. Бу миқдор йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан 6-8 баробар кўпдир. Бу моддаларнинг зарарли таъсири оқибатида Сариосиё узумзорлари, Дашнободнинг машҳур анорзорлари катта талофот кўрди. Пиллачилик барҳам топди. Фторли бирикмалар тупроқда тўпланиб қолиши эса унинг сув ва озиқ-овқат орқали инсон организмига ҳам ёпирилиб киришига йўл очаётир. Шунинг натижасида бу ерда мутахассислар ҳақли равишда айтиб ўтишганидек, қалқонсимон без ва флюороз касалликлари минтақа аҳолисида кўп учрамоқда. Аёллар орасида экстрогенитал хасталиклар ҳамда чақалоқларнинг туғма майиб-мажруҳ дунёга келиши ҳоллари кўпаймоқда.

Шунга қарамай, «Русский алюминий» компанияси томонидан ТожАЗ қувватларини ошириш ва Хатлон вилоятида яна бир шундай завод қуриш режалари тузилмоқда. ТожАЗнинг биргина электр энергияси бўйича давлатдан қарзи 21,5 млн долларга етган. «РУСАЛ» жаҳонда энг баланд нуқтада жойлашган Роғун ГЭСини ҳам 2010 йилга қадар

Она сайёра — кўрикхона

1991-1998 йилларда қалқонсимон без касаллиги анча ошиб кетди. Масалан, 1991 йили бундай касаллар сони 1717 кишини ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу рақам салкам қирқ минг кишига етди. Узун ва Сариосиё туманларида 2001 йили II — III даражали эндимик бўқоқ касаллиги 44 минг 825 кишида кузатилган эди. Шу йилнинг ярмида эса яна 20 минг 407 кишининг бундай оғир хасталикка учрагани рўйхатга олинди.

Серка КАТТАЕВ, олий тоифали эндокринолог

ўтишганидек, қалқонсимон без ва флюороз касалликлари минтақа аҳолисида кўп учрамоқда. Аёллар орасида экстрогенитал хасталиклар ҳамда чақалоқларнинг туғма майиб-мажруҳ дунёга келиши ҳоллари кўпаймоқда.

Шунга қарамай, «Русский алюминий» компанияси томонидан ТожАЗ қувватларини ошириш ва Хатлон вилоятида яна бир шундай завод қуриш режалари тузилмоқда. ТожАЗнинг биргина электр энергияси бўйича давлатдан қарзи 21,5 млн долларга етган. «РУСАЛ» жаҳонда энг баланд нуқтада жойлашган Роғун ГЭСини ҳам 2010 йилга қадар

маблағ билан таъминлаб, унинг қувватларини ошириш ниятида. Бу ҳам бежиз эмас. Бу айни чоғда ТожАЗнинг мавжуд қувватларини янада кенгайтириш учун зарур бўлмоқда. Ана шунда бир йиллик алюминий ишлаб чиқариш қуввати йилига 600-700 минг тоннага етади. Бу ўз навбатида ҳавога чиқариб юбориладиган зарарли моддаларнинг 40-50 минг тоннага қадар етишига, фторли водород бирикмаларининг эса йилига 700-800 тоннага етишига олиб келади. «РУСАЛ» раҳбарияти янги заводни қуриш ва ТожАЗ қувватлари оширилишида экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан жаҳондаги барча стандартлар ҳисобга олинади деб уқтираётганига қарамай, мазкур ҳудуднинг минтақавий экосистемаси ва унинг экологик сиғими алюминий ишлаб чиқаришнинг қўшимча тарздаги чиқитларига бардош бера оладими ёки йўқми деган савол жавобсиз қолмоқда.

Бу ўринда кўзда тутилаётган лойиҳа режаларини халқаро экологик экспертизадан ўтказишдан ташқари, халқаро ҳуқуқ ва давлатлараро муносабатларда тан олинган меъёр ва принципларга бўйича давлатнинг қатъий позицияси ҳам керак. БМТнинг 1992 йил 14 июнда Рио де-Жанейро шаҳрида имзоланган атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича Декларацияси ҳам у ёки бу мамлакат тасарруфида бўлган корхоналарнинг бошқа бир давлат атроф-муҳитига зарар келтиришининг олдини олишда муҳим ҳужжатдир. Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг чегараларарo атроф-муҳитга таъсир этиш ҳолларини баҳолаш юзасидан халқаро Конвенцияга қўшилгани бу борада муайян ҳуқуқий имкониятларни рўёбга чиқаради, деб ўйлайман.

Бир тарихий давр бошқаси билан алмашиши муқаррар. Биз Марказий Осиё тамаддунининг минг йиллик анъаналари изидан бориб, ўзимизнинг келажак авлодлар олдидаги бурчимизни асло унутмаслигимиз керак. Бу бурч ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, энг муҳими эса, миллатнинг генофондини келажак авлодларга Аллоҳ яратган тарздагидек мусаффо ҳолда қолдиришдан иборатдир. Кўҳна ва қадим маданиятнинг маънавий васиятларига содиқлик ҳам айни шуни тақозо этади. Мана шунинг учун ҳам минтақанинг жанубий экомаданиятига хавф солаётган алюминий таҳдидига нисбатан муносиб тарзда ўйланган оқилона жавоб зарур бўлади.

Дадахон НУРИЙ, ёзувчи:

— 1985 йилда бошланиб, 1988 йилгача давом этган Бўстонлиқ экологияси билан боғлиқ эҳтиросли кунларни эсланг! Ҳа, СССР деган, дунёни титратиб турган мамлакатнинг ҳарбий министрлигига қарашли «Почтовий яшик» деб номланувчи идора Бўстонлиқнинг қоқ ўртасида, яқин-атрофдаги бир неча қишлоқ аҳолисини Мирзачўлнинг пахта етиштириладиган ҳудудларига кўчириш эвазига завод қуришга киришган ва биз бу «сир»дан биринчи бўлиб «Бўстонликда нима гап?», «01»га қўнғироқ» сарлавҳали чиқишлар қилиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси орқали кўпчиликни хабардор этгандик... Аммо бир нарса «сир»лигича қолар, юқори ташкилотлар «Нима ёзсанг ёзларинг, фақат «Алюминий» деган сўзни ишлатмасаларинг бўлди», деб қатъий огоҳлантиришарди.

Бир кун мени «Почтовий яшик»нинг улкан идораси жойлашган бинога чақиртиришди. Шу маҳкаманинг Москвадан келган бош раҳбари олдига олиб киришди. У ҳарбийчасига қатъий қилиб:

— Ҳар бир мамлакатда ҳам «ҳарбий сир» деган тушунча бор. Уни ошкор қилганлар қонун олдида жавоб берадилар. Бизга замонавий электрон приборлар, «Авакс»га қарши қуроллар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган энг юқори сифатли алюминий хомашёси Бўстонликдан топилган. Ундан фойдаланиш режаси амалга оширилмоқда. Қайтараман, бунга қаршилик — мамлакат мудофаасини таъминлашга қаршилик билан баробар» дегани ёдимда.

Гап ҳозирги Абай, Қўшқўрғон, Эмбек ширкат хўжаликлари ҳудудининг каттагина қисмини эгаллаган Майдонтол тоғ тизмалари этагида борлиги аниқланган алюминий хомашёси ҳақида, Чирчиқ дарёси бўйига қурилиши лойиҳалаштирилиб, аллақачон тасдиқдан ўтган алюминий заводи хусусида кетаётганди... Яхшиям матбуот, радио-телевидениенинг мунтазам чиқишлари туфайли бу хавфли қурилишлар маҳмуасига халқ «йўқ» деб туриб олди.

Минҳожиддин МИРЗО, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири:

— Менинг назаримда, алюминий заводини айнан Ўзбекистон билан ёндош ҳудудда бунёд этилишида, боз устига неча юз минглаб аҳоли истиқомат қиладиган бу жойнинг завод қурилиши учун танланишида халқларимизнинг заррача хоҳиш-иродаси, розилиги инобатга олинмаган. Мустабид тузум мустамлакачилик сиёсатининг бир кўриниши сифатидаги бу заводнинг қурилишида ҳам маҳаллий халқларни менсимаслик, уларнинг тақдирини ўйламаслик яққол сезилиб туради. Бўлмаса, оғзидан ўт ва оғу пуркайдиган аждаҳо янглиғ, фарзандларимизни майиб-мажруҳ, боғ-роғларимизни хазон этиб, не-не одамларни турфа дардларга йўлиқтирадиган бу завод шу заминда бунёд этилармиди?!

Навоий ва Жомий, Айний ва Қодирий, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода... Икки халқнинг улуғ ўғлонлари неча асрлар устоз-шогирд, бир-бирларига суянч ва паноҳ бўлиб, икки халқнинг дўстлиги ва биродарлигини куйлаб келганлар. Дарвоқе, мазкур заводнинг айнан мана шу ҳудудда бунёд этилишига Мирзо Турсунзода қаршилик қилган экан. Ҳатто, собиқ марказнинг олий даражадаги йиғилишларининг кун тартибига қўйишгача борган экан... Оқибатни устозларимиз ўша пайтдаёқ англаган. Ахир бир мисқол фторли водород кукуни тупроққа ўтирса у ердан чувалчанг узоқлашар, фойдали ҳашоратлар қирилиб кетар экан. Бу заҳарли газ япроғига инган дарахтга қушлар ҳам уя қурмас экан. Ҳатто ипак қуртлари ҳам нобуд бўлар экан. Она қорнидаги ҳомиланинг бевақт тушиб нобуд бўлишига сабаб бўладиган, инсон суягини мўртлаштириб бедаво дардга йўлиқтирадиган, одамлар танасидаги бор йодни зулукдай сўриб оладиган бу заводни шундай ҳолда қолдириб бўладими?

Ахир табиатнинг ўзи «Эй инсон, кўзингни оч», дея бизни огоҳлантириб турибди-ку! Осмонимиз ягона, еримиз туташ, қондош-жондош халқмиз. Ҳар қандай муаммонинг ечими бор. Ўртада заҳар миқдорини камайтирадиган юксак технологиялар, жаҳон тажрибаси бор. Оқиллик, кенгаш, фикр алмашиш, ҳамкорлик — ҳар қандай мушкулга калит бўла олади.

Кўпни кўрган оталаримиз айтадилар: «Оллоҳ у дунёда дўзахни, жаннатни яратиб қўйибди, аммо бу дунёда дўзахни ҳам, жаннатни ҳам инсоннинг ўзи яратади». Тафаккур соҳиблари учун бундан орттириб бир нарса дейиш қийин.

Мурод АБДУЛЛАЕВ, газета бош муҳаррири ўринбосари:

— Мен мазкур заводда икки марта бўлиб, унинг иш жараёнлари билан яқиндан танишганман. Биринчи бор 1988 йили собиқ иттифоқ қўламида ташкил этилган Орол-88 экология экспедицияси аъзолари сафида корхонада бўлганда завод раҳбарияти билан экспедиция аъзолари, бинобарин, бутун иттифоқдан ташриф буюрган таниқли публицист-ёзувчилар, эколог мутахассислар ўртасида бўлиб ўтган расмий мулоқот чоғида таниқли тожик адиблари корхона маъмуриятига ҳанузга қадар завод атрофида экологик ҳимоя зонасини яратиш юзасидан лойиҳада белгиланган ишлар мутлақо амалга оширилмагани, кўчирилиши кўзда тутилган аҳоли яшаш жойлари ўз ҳолича қолиб келаётгани сабабли заводнинг таъсир доирасидаги ҳудудларда турли ноанъанавий касалликлар кўпайиб кетаётганини асосли далиллар билан рўй-рост айтишган эди.

1-расм.



Бироқ собиқ марказ раҳнамолигида иш кўрувчи корхона раҳбарлари ўшанда ҳам одатдаги важлар билан сувдан қуруқ чиқишганди. Иккинчи учрашув эса Турсунзода шаҳри маъмурлари билан Москва ва Тошкентдан борган публицист ёзувчилар, олимлар, тиббиёт ходимлари иштирокида бўлганида ҳам умумий гап-сўзлар ва кафолатига ҳеч ким жавоб бермайдиган ваъдалардан нарига ўтилмаганди. Бугунги давра суҳбатимизда «РУСАЛ» алюминий ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда энг илғор экологик хавфсизлик чора-тадбирларини амалга оширишни ваъда қилаётгани ҳақида фикрлар билдирилди. Бироқ табиат мувозанатини издан чиқарувчи ҳар қандай гигант корхона қурилишидан аввал жамоатчиликни чалғитиш учун бундай ёлғон ваъдаларнинг берилиши шўролар даврида ҳам, ҳозир ҳам урфга айланиб қолган. Ахир Ер юзидаги бирдан-бир энг тоза ичимлик сув манбаи бўлган Байкал кўлининг мусаффо сувларини ифлослаётган целлюлоза-қоғоз комбинатини бошқа соҳаларга ихтисослаштириш ёхуд унинг табиатга зарарсиз технология бўйича ишлашини таъминлаш юзасидан бундан йигирма йилча аввал берилган ваъдаларнинг бирортаси ҳам бажарилмади. Россиядай буюк давлатнинг адабий ва илмий жамоатчилиги, Валентин Распутиндай жаҳонга машҳур адибнинг бонг уришлари, не-не саъй-ҳаракатлари оддий бир завод маъмуриятига чивин чаққанчалик таъсир кўрсатмади. Комбинат ҳамон Байкалнинг мусаффо сувларини ифлослашда давом этмоқда.

Ана шундай бир шароитда «РУСАЛ»нинг жаҳон стандартларига мувофиқ экологик хавфсизлик чора-тадбирлари яратиш ҳақидаги ваъдалари ҳам чўпчакдан бошқа нарса эмас. Мантиқан ўйлаб кўринг, алюмин ишлаб чиқариши жаҳоннинг бирор мамлакатида Тожикистон ва Ўзбекистон чегарасидаги каби аҳоли зич яшайдиган, табиатнинг энг гўзал жойлари, субтропиклар яқинида бунёд этилмаган. Россиядаги учта йирик алюминий заводи — Красноярск, Саяногорск, Братскдаги корхоналар аҳоли яшаш жойларидан бир неча юзлаб километр йироқда, бепоён ўрмонлар ичида, зарарли чиқиндилар шамол билан аҳоли яшаш жойларига бормасдан ёйилиб кетадиган, шу билан бирга совуқ иқлимли ҳудудларда барпо этилган. Бизда эса бунинг тамоман тескариси. Инсон саломатлигига таҳдид солувчи, набатот ва ҳайвонот оламига қирон келтирувчи корхонани табиатнинг энг беғубор ўлкасида бунёд этишга розилик беришни қандай баҳолаш мумкин?!

Майли, алюминий ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқатта даромадлар ҳам олиб келади, дейлик. Хўш, бу даромадлар нимани бой бериш, нимадан воз кечиш эвазига қўлга киритилади? Айтингчи, минг-минглаб одамларнинг саломатлигини бой бериш, табиатнинг тарихи минг йилларга туташадиган экомаданият тизимларини барбод этиш, Марказий Осиёнинг энг бетакрор гўзаллиққа эга бўлган жаннат гўшаларини чўлу биёбонга айлантириш, фарзанд доғида куйган оналарнинг шашқатор кўз ёшлари, йигитлар белидаги, оналар қорнидаги гўдакларга туғилмасдан аввал кафан бичиш эвазига келадиган бу бойлик кимга татийди?!

Хеч кимга! Она табиат ўзига нисбатан бундай зуғумни, бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликни асло кечирмайди. У ўч олади. Табиатнинг ўч олиши эса ҳеч кимни омон қолдирмайди. Экологик мувозанатни бузиш эвазига кўриладиган талофотлар олдида фақат ўз оёғи остини кўриб, келажакни назар-писанд қилмасдан тузиладиган режалар боис келадиган фойдаю даромадларнинг сариқ чақачалик қиммати қолмайди.

ФАХРИЁР, Миллий матбуот маркази раҳбари, шоир:

— Давра суҳбатимизнинг баъзи иштирокчилари «Русский алюминий» компаниясининг Тожикистонга келишини ижобий бир ҳол, деб баҳоламоқдалар. Ҳаттоки, компания Тожикистон алюминий заводини реконструкция қилишни бошлагач, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор беради, бу борадаги муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган фикрни айтмоқдалар. Қани энди шундай бўлса! Бу ҳисоб-китобли дунёда шу нарса аёнки, ҳар бир инвестор бирор бир соҳага маблағ сарфлар экан, айни шу соҳада ўзидан олдингилар йўл қўйган хатоларни ўнглашдан кўра, асосан қилган сарф-харажатларини тезроқ чиқариб олишни ва кўпроқ фойда кўришни ўйлайди. Бу ҳамма жойда бор гап. Тузилаётган лойиҳада кўзда тутилган маблағ Роғун ГЭСига, Хатлонда қуриладиган янги заводга ҳам сарфланса, ўйлайманки, Мирзо Турсунзода шаҳридаги завод чиқиндиларини зарарсизлантириш масаласи яна пайсалга солиниши мумкин.

Ғуломжон МИРЗОЕВ, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Бугунги давра суҳбатига таклиф этганингиз учун газета таҳририятига миннатдорлик билдираман. Экология муаммоси ҳар икки мамлакат халқлари учун ҳам бирдай муҳим, деган фикрга тўла қўшиламан. Бу йўналишда ҳар икки мамлакат халқлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш зарур. Шу билан бирга, баъзи мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Гап шундаки, алюминий заводининг айнан Тожикистонда қурилиши Тожикистон томонининг ихтиёри билан бўлган дейиш у қадар ўринли эмас. Завод қурилганида биз ҳаммамиз СССР деган бир мамлакатда яшар эдик ва бу қурилиш ана шу мамлакатнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан. Бундан ташқари, бир неча омиллар, жумладан, электр энергиясининг мавжудлиги, одамларни иш билан таъминлаш ҳам ҳисобга олинган бўлиши керак. Бундай завод аҳоли яшайдиган жойдан анча олисда қурилиши керак эди, деган фикр ҳам тўғри.

Экологияга доир бугунги муаммолар биргина Тожикистон алюминий заводи билан белгиланмайди. Орол муаммосини олайлик. Унинг оқибатида Помир музликлари меъёридан ортиқча эриётгани ва Сарез кўлида ҳаддан ташқари кўп миқдорда сув тўпланаётгани биз билан бирга Ўзбекистон томонини ҳам ташвишга солиши керак ва бу тўғрида биргалашиб ўйлашимиз лозим бўлади.

1994 йили давлатларимиз ўртасида Тожикистон алюминий заводининг таъсир доирасидаги ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш борасида тузилган Битим ишламади, деган фикрга қўшилмайман. Бу битим дастлаб уч йилга тузилган эди, кейин унинг аамал қилиш муддати яна беш йилга узайтирилди ва 2002 йилда якунланди. Шу муносабат билан айтишим жоизки, мазкур Битимга биноан, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишга доир кўпгина ишлар қилинди.

«Русский алюминий» компаниясининг Тожикистонга келиши ва у билан ҳамкорлик масалалари ҳозирча лойиҳа. Бундай йирик лойиҳалар, одатда тегишли экспертизадан ўтказилади, таъбир жоиз бўлса, минг ўйлаб бир кесилади. Бу тўғрида эҳтиросли шов-шувларга асос йўқ, деб ҳисоблайман. Яна бир мулоҳаза. Кейинги бир ҳафта ичида Тожикистон алюминий заводи билан боғлиқ тўртинчи тадбир бўлиб ўтмоқда. Мен Тожикистон Республикасининг мамлакатингиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатида бу тадбирларда қатнашишим ва ўз мамлакатим нуқтаи назарини ифода қилишим керак. Қолаверса, у ёки бу баҳсли масалани муҳокама қилганда, ҳар икки томонни баробар тинглаш фойдадан холи бўлмайди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ:

— Суҳбатимиз холис фикр алмашинуви асосида бўлганини таъкидламоқчиман. Касални яширсанг, иситмаси ошкора, деган гап бор. Экология, атроф-муҳит муҳофазаси мавзулари ҳар қандай давлатнинг, ҳар қандай жамиятнинг диққат марказида бўлиши керак. Чунки бу борада йўл қўйилган хатолар, эҳтимол, бир қарашда кўзга кўринмас, аммо унинг аянчли оқибати узоқ йиллар давомида ўз таъсирини кўрсатади. Ер, сув ва ҳаво — бу фақат бугунги авлодларнинг бойлиги эмас, биздан кейинги авлодлар ҳам фойдаланиши лозим бўлган муқаддас неъматлардир. Шу сабабли ҳам, ҳақиқат нечоғли аччиқ бўлмасин, уни тўла айтишимиз ва хатоларни тан олишимиз зарур. Суҳбат давомида шу нарса маълум бўлдики, табиат муҳофазаси — бу фақат бир мамлакатнинг муаммоси эмас, уни биргалашиб, маслаҳатлашиб, кенгашиб, куч ва имкониятларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин. Табиат софлигига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай лойиҳа, у қаерда амалга оширилмасин, инсон саломатлиги, келгуси авлодлар манфаатини ҳам ҳисобга олган ҳолда кўрилиши зарур.

Қадимда ота-боболаримиз ҳовли-жой қуришса тандир-ўчоқнинг тутуни қўшни ҳовлига ўтмасин, деб истиҳола қилишган, ўзаро маслаҳат бил

Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

* * *

Сизнинг уйда бир туп олма бор,
Бизнинг уйда бир туп олма бор.
Икки уйнинг олмаларининг
Оёқларин севган солма бор.*

Сизнинг уйда гуллайди олма,
Бизнинг уйда гуллайди олма.
Баҳор ўтар, ёз ўтар — бир дам
Куз келарин билмайди олма.

Яшил япроқ ёпинар олма,
Шиғил пишиб етилар олма.
Солма тилин тушунмайди у,
«Олма бер!» деб ялинар солма.

Ҳар томондан эсар шамоллар,
Олма бандин кесар шамоллар.
Икки уйнинг оралиғида
Япроқ — Армон тўшар шамоллар.

АСРЛАРҒА ЭРҒАШАР АСРЛАРНИНҒ КАРВОНИ

БОҚЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ БИЛАН СУҲБАТ

«Қирим сўқмоқлари» туркумидан

— Асрларга эргашар асрларнинг карвони,
Замонларга эргашар замонларнинг даврони,
Боқчасарой тахтида тожу давлат қолмади,
Нега адо бўлмайди кўздан шашқатор ёшлар?!

— Дард деганнинг қилмиши инсонга парво қилмас,
Ғам-андуҳнинг оташи замонга парво қилмас,
Бу дунёнинг минг иши ёлғонга парво қилмас,
Шунга адо бўлмайди кўздан шашқатор ёшлар...

* * *

Ишлатаётирмиз тошни, темирни,
Тошлар — иморатинг, машинанг — темир.
Тупроқдан ийланган гўзал умрнинг
Ҳақиқий онаси эрур ахир Ер.

Тошда — одам турқи, темирда — забон,
Вақтнинг ҳукми билан бари емирилар.
Манов гул дунё ҳам қолмайди омон,
Юмшамаса агар қалби темирлар.

ФУТБОЛ ТЎПИГА

— Майдонда талаш тўп, «Ола экансан!» —
десам, юрак-бағри яра экансан.
Қирқ тўртта оёқдан ҳар кун тепки еб,
Шўргина манглайи қора экансан!

Фалончи тепдими — учиб боряпсан,
Тувланчи тепдими — учиб боряпсан.
Яна ким тепади — тақдиринг мужмал,
Ўзинг ишшган эдинг — ишшиб боряпсан...

Ўйинчи бўлинар икки томонга,
Ишқибоз бўлинар икки томонга.
Иккига бўлинган бу дунё — қий-чув,
Бутунсан-у, жим-житлигинг ёмон-да!

Сен боис миллионлар завқи ортади,
Миллионлар ортингдан чопиб чарчади.
Барчага қувонч бахш айлайсан, лекин
Икки дарвозабон сендан қўрқади.

Майдонда Куч, Ақл, Тезлик — ҳукмдор,
Уч бирлик бор ерда енгиш — ютиш бор.
Барча ўйинчининг сардори сезим,
Тўп дарвоза томон учди, тутинглар!

* * *

Бир юз бешга кирган момо кампирга,
Ақл тиши чиққан доно кампирга,
Чевара келини бир савол берди
Чевараси бисёр эна кампирга.

— Момо жон, дунёда ёрқин юлдуз ким?
Момо жон, дунёда шодмон гул қиз ким?
Дейдилар дунёда муҳаббат бордир,
Муҳаббатда бахтли бўлган ул қиз ким?

— Йигитлар кўз солса — шул қиз бахтлидир,
Юраги ёз бўлса — шул қиз бахтлидир!
«Бир олтин иморат қургаймиз», — дебон,
Йигит оғиз солса — шул қиз бахтлидир.

— Момо жон, дунёдан кўнглим қолади,
Бир нарсани билмай, ичим ёнади.
Яшаган эканман бахтли қиз бўлиб,
Бахтиёр келинчак қандай бўлади?

— Келинчак — гул, куёв — булбул бўлади,
Гулга булбул қўнса, кўнгил тўлади.
Келинчак сочини силаса куёв,
Шундай келинчакнинг бахти кулади.

— Момо жон, шод бўлдим. Охирги савол,
Ҳаётдан келтиринг яна бир мисол.
Айтинг-чи, дунёда ҳаммадан сулув,
Ҳаммадан бахтиёр аёл қай аёл?

— Ҳаммадан, ҳаммадан, ҳаммадан афзал,
Қуёшдан, юлдуздан, ойдан ҳам гўзал,
Ҳаммадан бахтиёр, ҳаммадан сулув —
Боласин эмизиб ўтирган аёл!

Бир юз бешга кирган Момо — Онадай,
Ақл тиши чиққан Доно — Онадай,
Эвара, чевара, дувара кўринг,
Бир аср яшаган Она — Момодай.

*Солма — ариқ (шевада).

Қорақалпоқчадан Рустам МУСУРМОН таржималари.

СУРАТДА: М.Раҳмонов, М.Қаюмов ва Г.Измайлова.

С.МАҲКАМОВ олган сурат.

Рауф ПАРФИ,
Ўзбекистон халқ шоири



Яшаётган сатрлар

БИР ҚУШЧА САЙРАЙДИ МЕНИНҒ РУҲИМДА...

* * *

Дарё каби доимо уйғоқ,
Интилишим тоғ қадар баланд.
Олис йўлга отландим, бироқ,
Меҳрим билан, муҳаббат билан,
Эй, кўнглимда туғилган Ватан.

Хотиралар сўзлар ҳар бир тош,
Эсдаликлар ёғади осмон.
Тирикликнинг шоҳиди қуёш
Эсламакдан тинмайди ҳамон.
Онажоним, оҳ, Ўзбекистон.

Чақиради тоғлар, дарёлар,
Яна йўлга чорлайди мени.
Мени чорлаб қуёшлар ёнар —
Ўрганадир ёниш илмини,
Чақиради тоғлар, дарёлар.

Ҳали олдда қанчалар довон —
Ўтгунимча то уни босиб,
Сўйла, наҳот битадир дармон,
Кўзларимнинг тугар зиёси?!
Ҳали олдда қанчалар довон...

Ўзбекистон, энг ширин бўса
Каби лабларимда уриндинг.
Мен олисга отланар бўлсам
Юракларим бўлиб кўриндинг.
Онажоним, оҳ, Ўзбекистон.

Дарё каби доимо уйғоқ,
Интилишим тоғ қадар баланд.
Олис йўлга отландим, бироқ
Сенга бўлган садоқат билан,
Эй, кўнглимга йўғрилган Ватан.

* * *

Кундуз ўйга чўмар, тун яқин,
Осмон янглиғ оқшом шарпаси —
Олис уфқ пойида ёрқин
Куннинг қизил шоҳи пардаси.

Кечки қуёш турмаклар сочин,
Жозибали бўлар эртага!
Ана, кўк ҳам маржонлар сочди —
Кенгликларнинг мовий эртагин.

Далаларда эсар шаббода,
Эгилади нозик чучмома,
Ялпизларнинг баргидан шода —
Шода шудринг жимгина томар.

Жозибали бўлар эртага,
Севги фасли асл ва бедоғ.
Кумуш ҳаволар-ла ўртиги
Гўзаллиги билан яшнар тоғ...

* * *

Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал,
Майсалар эгилиб, ўқийди китоб.
Шодланиб хандалар отар бир лаҳза,
Бир лаҳза оҳ тортиб қўяди офтоб...

Бир тирик нафосат... сезгилар унда
Қалтираб порлайди шуълага ўхшаб.
Бир қушча сайрайди менинг руҳимда.
Мен сенинг исмингни билмайман, қушчам...

* * *

Яна қайтиб келдим. Чанг тўзган
Йўлимизни соғиндим, она.
Том устида майсалар ўсган
Уйимизни соғиндим, она.

Азиз даргоҳ остонасида
Сизни қалбим билан қучайин.
Тўйиб-тўйиб сопол косада
Муздек қудуқ сувин ичайин.

Ҳар бир нарса яқиндир менга,
Ҳар бир нарса менга қадрдон.
Қараб қолдингизми йўлимга
Иссиқ нонлар узиб тандирдан?..

Кўймангиз мени бу сафар,
Унутди деб уйни, даламни,
Не чора бор дил ёнса агар,
Севиб қолсам бутун оламни.

О, қишлоқнинг мунис чиройи...
Аччиқ пиёз тўғрайин ўзим.
Дил соғиниб йиғлади доим.
Ҳозир, майли йиғласин кўзим.

Тарғилланиб бормоқда осмон,
Оппоқ ҳидга тўлмоқда боғрим.
Айтингиз-чи, борми соғ-омон
Шаҳло кўзли менинг тарғилим?

Оғушимда зангори сезги,
Кипригимда суюқ ҳаяжон.
Кўзларимда юмалоқ севги,
Саломатман мен ҳам, онажон!

Қайтиб келдим яна. Чанг тўзган
Йўлимизни соғиндим, она.
Том устида майсалар ўсган
Уйимизни соғиндим, она.

* * *

Сен шоҳимсан, сен қулимсан,
Сен — она тилим.
В.БРЮСОВ

Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон,
Даргоҳингда, эй, она тилим.
Менга бир шеър керак, эй, мезбон,
Ёзилмаган шеър эрур дилим.

Айтгил нечун бунчалар қизиқ,
Эски жаҳон, бу эски жаҳон?
Бир шеър керак нон каби иссиқ,
Менга бир шеър керак, эй, мезбон.

Қийнамагил мени, онажон.
Сен — абадий, мен — лаҳза, бироқ
"Итоат эт менга шул замон
*Ё айлагил телбани тупроқ!"**

*В.Брюсов сатрлари.

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

АЖДОДЛАР РУҲИ

Руҳшунос олимлар ғалати тадқиқот ўтказган. Нима учун вафот этган одам дастлабки кунлари яқинларининг тушига ботбот кириб туради? Гап шундаки, тириклар уни кўп эслагани учун майитнинг руҳи ўзи яшаган муҳит атрофида чарх уриб айланиб юраркан. Шу боисдан умр йўлдоши, бола-чақалари, қариндош-уруғлари, ҳамкасбларининг тушига тез-тез кириб турар экан. Орадан маълум вақт ўтиб, тириклар уни камроқ хотирлайдиган бўлгач, руҳ «ўз» муҳитидан узоқлашиб, ер курраси атрофида учиб юраркан. Марҳумлар вақти-бевақт тушимизга кириб туриши шундан экан. Агар бу дунёда уни эслайдиган биронта одам қолмаса, руҳ ноумид бўлиб, ўзга галактикаларга учиб кетар экан...

Ўтганлар руҳини шод этишдан осони йўқ. Ақалли орачора «ўтган ота-боболаримиз, она-момоларимизни Оллоҳ раҳмат қилсин, охирати обод бўлсин», деган биргина калима кифоя... Биз эса гоҳо шунга ҳам ярамаймиз...

ЮКНИНГ ОҒИРИ

Рўзғор тебратишда юкнинг оғири аёллар зиммасига тушиб қоляпти, деган гаплар қулоққа чалинади.

Одам Ато замонидан қолган қоида бор. Эркак ўлимга тик бориб арслон чангалидаги кийикни тортиб келадими, дарахтга нарвонсиз чиқиб мева узиб тушадими, ёғоч омоч билан ер тирмалаб, дон сепадими, нима қилса ҳам топиб-тутиб келиб, рўзғор тебратган. Аёл эса оила чироғини ёқиб, ўчоғини ўчирмай ўтирган. Хуллас, юкнинг оғирини аёл эмас, эркак кўтарган...

Ҳозирги эркаклар Одам Ато замонидан орқага кетиб қолмас ахир...

ЖАННАТ РИШТАЛАРИ

Ҳадиси шарифда таъкидланишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтган эканлар: «Қайси ота-она уч қизни тарбиялаб, вояга етказса, шулар жаннатда менинг ёнимдан жой олади. Агар икки қизни тарбиялаб вояга етказса ҳам жаннатда менинг ёнимдан жой олади. Башарти битта қизни тарбиялаб вояга етказса ҳам жаннатда менинг ёнимдан жой олади...».

Ислом дини хотин-қизларни камситади, деган гапни ким айтган ўзи?

Ҳадиси шарифда тағин бир гап бор. Агар бир аёлнинг уч нафар фарзанди гўдаклигида нобуд бўлса, маҳшар куни улар дўзах йўлини тўсиб, онасини ҳимоя қилар экан. Агар болалигида нобуд бўлган гўдак иккита бўлса ҳам шундай қилар экан. Башарти ўша аёлнинг битта боласи гўдаклигида нобуд бўлган бўлса ҳам шундай қиларкан. Зеро, она учун фарзанд доғининг ўзи дўзах азобидан кучлидир.

Айтинг-чи, дунёдаги қайси шоир, қайси адиб, қайси мусаввир она меҳрини шу қадар теран тасвирлай олган?!

ҒИЛДИРАК

— Ғилдиракнинг яратилиши дунёдаги энг катта кашфиёт бўлган. Аммо ғилдиракни кашф қилган одам уни тўхтатиш, «тормозлаш» йўлини ҳам ўйлаган бўлиши мумкин эмас!

Устоз Озод Шарафиддинов «шунчаки», «кези келганда» айтган бу гап тагида теран маъно борлигини кейинроқ тушундим. Ғилдирак-ку, инсоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Лекин думалаб кетаётган ғилдиракни тўхтатишнинг ҳеч иложи бўлмаса, қандай фожеалар рўй беришини тасаввур қилиб кўринг!

Сўнг тағин бир гап эсимга тушди. Мактабда бирга ўқиган учувчи дўстимдан «самолёт бошқаришда энг қийини нима?» деб сўраганимда «қўниш» деган эди...

Бас, маълум бўлдики, ҳатто энг эзгу ишни ҳам аввал оқибатини ўйлаб, кейин қилиш керак экан...

ТОРТИШ КУЧИ

Оёғи ердан узилиб, «ҳаволаниб» кетганларни кўрсам, нуқул бир нарсани ўйлайман. Яхшиямки, Оллоҳ ерга тортиш кучи деган қудратни ато этган. Бўлмаса, инсоният аллақачон коинотда қум заррасидек йўқ бўлиб кетарди...

КОМПЮТЕР

Олимлар компютерни инсон миясидан андоза олиб яратган. Ўйлайди. Излайди. Ҳисоб-китоб қилади. Муаммони ечади... Фақат компютернинг инсондан битта устунлиги бор. Кераксиз маълумотни хоҳлаган пайтда «хотираси»дан ўчириб ташлаши мумкин. Одам эса энг ёмон хотираларни ҳам унутолмай изтироб чекади...

АБАДИЙ ЖУМБОҚ

Аёл шундай жумбоқлар китобики, ҳали ҳеч ким уни охиригача ўқий олган эмас.

ЭЛЧИ

Тун — хасталар ва сўққабошлар бардошини синаш учун Тангри томонидан юборилган элчидир.

АНДИША

Ота-боболаримиз шундай деб танбеҳ берадилар:

— Ҳеч қачон ўчоқбошини қўшнининг деворига тақаб солма. Таом пишираётганингда чиққан тутун қўшнининг кўзини ачитса, еган овқатинг ҳаром бўлади!

...Ўзбекнинг андишасини исботлаш учун тағин қандай мисол керак!

ЯКДИЛЛИК

«Халқ» деган сўз билан ҳалқа» деган сўз ўртасида муштараклик бор. Қадимда занжирнинг қувватини аниқлаш учун энг ожиз ҳалқани синаб кўришаркан. Сабаби, юзта ҳалқа мустаҳкам бўлгани билан биттаси нобоп бўлса, занжир худди ўша жойидан узиларкан...

Бир-бирига занжирдек боғланган, орасидан «ола» чиқмайдиган халқни ҳеч ким енголмайди. Бундай халқнинг юрти обод бўлади...

ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНЛАРИ

Ислом — муқаддас дин. Инсонни мўътабар зот сифатида улуғловчи, зулмни, зўравонликни инкор этувчи дин. Афсуски, шундай улуғ динни ниқоб қилиб, ўз манфаати йўлида хунрезлик қилган фитнакорлар тарихда ҳамиша бўлган.

Шундай жаҳолат қурбонларидан бири улуғ озар шоири Насимий эди.

Диний илмни ҳам, дунёвий билимни ҳам мукаммал эгаллаган шоир ўз юртидаги мутаассиблар зуғумидан безор бўлиб, Сурияга кетишга мажбур бўлади. Ҳукмдор Султон Муайид шоир ва олим Насимийни теран эҳтиром билан ҳурмат қилади. Икковлари дўстлашиб қоладилар.

Бироқ жоҳиллар бу ерда ҳам даҳшатли фитна уюштирадилар. Ижод аҳли кўпинча самимий, содда бўлади. Қувлик-шумликни билмайди. Шоирнинг ғанимлари унинг шу ожизлигидан фойдаланадилар. Султон билан шоир иштирок этаётган жума намозида жаҳолатпарастлар «орамизда Ислом динини таҳқирловчи кимса бор, у «Ёсин» сурасини оёғи остига олиб, тепкилаб юрибди», деб гап тарқатадилар. Табиийки, бу Султоннинг ғазабини қўзғайди. Султон бундай шаккок қандай жазога лойиқ, деб Насимийдан сўрайди. «Бунақа ғайридиннинг тириклай терисини шилиш керак!» дейди Насимий комил ишонч билан. Буни қарангки, муқаддас каломнинг сураси айнан унинг кавшидаги патак остидан чиқади! Шоир бу фитнани ғанимлар пухта ўйлаб уюштирганини, сурани унинг кавши остига тиқиб қўйганини хаёлига ҳам келтирмагани аниқ эди... Шоир ҳам, Султон ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қоладилар. Султон энди нима қилиш кераклигини тағин шоирнинг ўзидан сўрайди. Подшонинг амри — вожиб! Айтилган сўз — отилган ўқ! Шунда Насимий бемисл мардлик қилади. Ҳукмни ижро этиш кераклигини айтади!

Разил ниятига етган жаҳолатпарастлардан бири оломонга қараб, диндан қайтган бу шаккокнинг қони ҳам ҳаромлиги, бир томчиси тегса ўша ерни макруҳ сифатида кесиб ташлаш кераклигини уқтириб, ваъзхонлик қилади. Худонинг қудратини қарангки, худди шу пайт шоирнинг танасидан отилган қон худди ўша кимсанинг қўлига сачрайди.

Намозхонлар ғазабга миниб, ундан ўз сўзини исбот қилишни талаб этадилар. Жоҳил «пешво» эса «мен шунчаки мисол учун айтгандим», деб ўзини панага олади... Бу фожеа 1417 йили рўй беради...

Бир вақтлар Ибн Синони даҳрий деб эълон қилганлар ўша — Насимий қотилларининг боболари эмасмикан? Улуғбекни ўз пушти камаридан бўлган фарзандининг қўли билан сўйдиришга фатво берганлар, Машрабни дорга торттирганлар, Нодирани бўғизлатганлар шуларнинг неваралари эмасмикан? Бутун дунёни қутқу солиб, бегуноҳ қон тўкаётган террорчилар ўшаларнинг эвара-чеваралари эмасмикан?

ТУҲМАТ

Туҳмат — эгри қўл билан отилиб, тўғри одамни майиб қиладиган тошдир.

СУҚРОТ САВОЛИ

Буюк олим Суқрот кўчада кетаётса, бир номард орқасидан келиб курагига пичоқ урибди. Суқрот бурилиб қараб, хотиржам сўрабди:

— Сенга қачон яхшилик қилувдим, биродар?

Улуғ файласуфнинг бу саволида қанчалар изтироб борлигини хиёнатга дуч келган одам билади...

ТАОМИЛ

Ўзбекнинг ғалати таомиллари бор. Марҳумни тупроққа топширгандан сўнг қабристонга келган аҳли жамоадан сўрайдилар:

— Фалончи қанақа одам эди?

Ўтганларни ёмонотлиқ қилиш — гуноҳ. Мақташ керак. Жилла қурса бирон фазилатини айтиш керак...

Умрида бировга яхшилик қилмаган, дилозор, баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди. Одатдаги савол ўртага тушибди:

— Фалончи қанақа одам эди?

Ҳеч кимдан садо чиқмасмиш. Сўроқ тағин такрорланибди:

— Биродарлар, фалончи қандай одам эди?

Яна узоқ сукунат чўкибди. Ниҳоят шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.

— Ҳамма тишлари бутун эди, — дебди.

...Ўзбекнинг ғалати таомиллари бор. Ўзбекнинг ғалати донишмандлиги бор...

САККИЗИНЧИ МУЪЖИЗА

— Шеърий асар билан насрий асарнинг фарқи нимада?

— Поэзия (шеърият) билан проза (наср)нинг вазифаси бир хил. Содда қилиб айтсак, инсон оламини тасвирлаш, китобхон қалбига эзгулик нурини олиб кириш.

Шеърда чақмоқ чақишидек оний ҳолат ўқувчи юрагига муҳрлаб қўйилади. Шу бир лаҳзанинг ўзида инсон қалбидаги нозик тебранишлар акс этади. Асарнинг ички оҳанги — мусиқаси эса китобхонни қаттиқ ҳаяжонга солади (Бу ўринда гап қофия ҳақида эмас, асарнинг ички оҳанги устида кетаяпти). Насрий асарда ҳам шундай ҳолат тасвирланади. Бироқ прозада фақат чақмоқ чақишнинг ўзи эмас, уни юзага келтирган булут, булутни ҳайдаб келган шамол, борингки, чақмоқнинг ҳосиласи — оқибати ҳам акс эттирилиши мумкин. Ва албатта, насрий асарнинг ҳам ички мусиқаси бўлиши шарт! Фарқи шуки, шеърият нафис най садосига ўхшаса, проза кўп оҳангли оркестрни эслатади...

Шеъриятни муаттар бўй таратиб турган чиройли гулга қиёслаш мумкин. Насрий асар, айниқса, роман, қисса каби полотнолар улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизи теран, мантиқи чуқур, танаси бақувват, шох ва япроқлари беҳисоб...

Шеърият гўзал ва ихчам кошонага ўхшайди. Қошонанинг қурилмаси мукаммал, уни ич-ичидан ёритиб турадиган нур бўлади. Бу нурнинг номи — туйғу дейилади. Насрий асар эса кўпқаватли бинога ўхшайди. Бинонинг чалкаш ва мураккаб йўлаклари, ётоқхона ва меҳмонхонаси, ертўла ва болохонаси бўлиши мумкин. Насрий асарнинг ҳам қурилмаси мукаммал ва мутаносиб бўлиши шарт. Бу қурилма шеъриятга нисбатан анча мураккаб бўлиши мумкин. Қизиғи шундаки, наср биносини ҳам ич-ичидан ёритиб турадиган нур — туйғу бўлиши лозим. Негаки, асар аввало ўқувчи қалбига, қалби орқали онгига таъсир қилади. Бадиий асарнинг санъат эканлиги ҳам шунда...

Хуллас, шеърият билан наср икки кўчадан бир манзилга бораётган ижод маҳсулидир...

Ижоднинг бош белгиси нима? Чинакам ижодкор бўлиш учун нима керак одамга?

Меҳнатми?

Агар ҳаммаси меҳнатга боғлиқ бўлса, ҳар куни ақалли бир варақ «қоғоз қоралаган» киши ҳам олтмишга кирганида қирқ жилдлик «сайланма»ни «қотириб ташлаган» бўларди.

Ҳаммаси одамнинг ёшига, ҳаёт тажрибасига боғлиқми?

Ундай десак, гўдак Алишер «Оразин ёпқоч...» деган байтини ёзиб, Лутфий ҳазратларини ҳайратга солмасди. Моцарт етти ёшида манаман деган залларда концерт бермай, кўчада варрак учириб юрган бўларди. Лермонтов камида қирқ ёшга чиқиб, «ҳаётий тажриба» орттирмагунча, ўлмай туриши керак эди.

Ижодкор бўлиш билимга боғлиқми?

Бунақа дейдиган бўлсак, одам қанча кўп олий ўқув юртини битирса, шунча зўр ижодкор бўларди. «Артистликни институти»ни битирмаган Маннон Уйғур қандоқ қилиб атоқли режиссёр бўлди? Кирил имлосини қийналиб ўқийдиган Шукур Бурхоновни нега улуғ актёр деймиз?

Ижодкорга бойлик, мансаб керакми?

Ундай бўлса, дунёдаги амалдорлару бойваччаларнинг бир қисми улуғ адиб, бирови атоқли бастакор, тағин бири машҳур хонанда бўлиб кетиши керак эди. Машраб дарбадар кезмай, ҳамёнидаги олтинларни санаб, ғазал битган, қашшоқ Сервантес «Дон Кихот» деган даҳо романини қамоқхонада ўтириб эмас, шоҳона қасрда ёнбошлаб ётиб, ёзган бўларди...

Албатта, ҳақиқий ижодкор бўлиш учун тинимсиз меҳнат ҳам, ҳаётий тажриба ва теран билим ҳам керак. Муҳтожликда рўзғор тебратгандан кўра, маъмурчиликда яшаган киши кўпроқ, самаралироқ ижод қилади. Буларнинг ҳаммаси керак. Аммо чинакам ижодкор бўлиш учун аввало Талант керак! Истеъдодни эса ёлғиз Оллоҳ беради!

ВАФО ВА МУҲАББАТ — УЛУҒ ҚУДРАТДИР

Афғонистонлик шоир, олим ва публицист Абдулҳаким Шарҳий Жўзжоний билан суҳбат

Афғонистонлик ўзбек адиби, маданият ва давлат арбоби Абдулҳаким Шарҳий Жўзжоний номи республикамизда кўпчиликка яхши таниш. Унинг миллий маданиятимиз ва ҳуқуқшунослигимизга доир мақолалари газета-журналларимизда мунтазам равишда босилиб туради. Олимнинг «Тасаввуф ва инсон», «Шарқ ва инсон ҳуқуқлари» (А.Саидов билан ҳамкорликда), «Марғиноний ва унинг издошлари», «Ислом ҳуқуқшунослиги: ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари»(монография), «Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (ўтмиш ва ҳозирги замон)» (А.Саидов билан ҳамкорликда) китоблари Тошкентда босилиб чиққан.

А.Жўзжоний истиқлол йилларида «Афғонистонда шариат тараққиёти» мавзуида номзодлик, «Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ҳуқуқшунос олим бугунги кунда Тошкент ислом университетида ислом ҳуқуқи кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Абдулҳаким Шарҳий Жўзжоний бундан етмиш йил муқаддам Сарипул шаҳрида туғилган. Шарҳий илмлар мадрасаси ва Кобул университетида таълим олган. «Анис», «Ислоҳ» газеталари, «Фолклор» журнали, Афғонистон радиоси, «Орёно» қомусида ишлаган.

У ўзбек тилидаги биринчи газета — «Юлдуз»ни таъсис этиш, Афғонистон маориф вазирлиги ва Фанлар академиясида ўзбек тили департаментларини очишда бош-қош бўлди.

Афғонистондаги Амир Алишер Навоий мукофоти лауреати Абдулҳаким Шарҳий Жўзжоний Ойбекнинг «Навоий» романи, Ш.Рашидовнинг «Икки дил достони» асари ҳамда ўзбек тилидан кўплаб мақола ва рисолаларни форс тилига таржима қилиб, нашр эттирган.

«Буюк олим Абу Райҳон Беруний» китобининг муаллифи Ш.Жўзжоний араб тилидан Юсуф ас-Сабоҳий, Таҳо Хусайн, Саллома Мусо, Лутфий Манфалутий асарларини таржима қилган. Умуман, Ш.Жўзжоний араб, дарий, форс, пушту ва турк тилларини яхши билади, ўзбек ва форс тилларида ижод этади.

Абдулҳаким Шарҳий Жўзжоний ижодида Ойбекнинг «Навоий» романи таржимаси алоҳида ўрин тутади. Зотан, улуғ Алишер Навоий Афғонистон халқларига ҳам жондек азиз. Инсонпарвар шоирнинг нурли, тоза руҳли асарлари, жўшқин ижтимоий фаолияти барча учун абадий ўрнакдир. Ҳазрат Навоий умрининг ана шу моҳияти Ойбекнинг «Навоий» романида ёрқин очиб берилган. Романнинг асл мазмун-моҳияти эса, асардаги қуйидаги сўзларда яхши ифодаланган: «Ҳар нечук фалокатни даф этмоққа ғайрат қилмоқ керак, — деди Навоий қатъий, ишончли овоз билан. — Муборак ватаннинг, эл-улуснинг саломатлиги учун фидокорлик кўрсатмоқ вазифамиздир. Сиздан тилагим шулки, бир-биримизга, давлатга, юртга вафо-садоқат, муҳаббат билан боғланайлик. Вафо ва муҳаббат — улуғ қудратдир. Бу қудрат билан тўла кўнгиллар ҳаётни нурлантирар, улар фалокат дарвозаларига сад чекиб, саодат дарвозаларини очурлар».

Маҳмуд Саъдий: — *Бундан ўттиз йил аввал Ойбекнинг «Навоий» романини дарий тилига таржима қилиб, нашр эттирган экансиз. Бу хайрли ишингизга нималар сабаб бўлган эди?*

Абдулҳаким Шарҳий Жўзжоний: — Мен болалигимдан Амир Алишер Навоий асарларига қизиқиб келганман. Ўша даврда бизнинг Сарипул шаҳримизда Навоийнинг тошбосмада чиққан «Ғаройиб ус-сиғар» девонининг нусхалари бор эди. Девон қизлар ва болалар мактабларида савод чиқариш учун ўқиларди. Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари ҳам баъзи зиёлиларнинг уйларида топиларди.

Мен «Ғаройиб ус-сиғар»ни 13-14 ёшларимда ўқиганман. Ундан кейин шоирнинг шоҳ асари бўлмиш «Хамса»нинг Россия цензураси 1893 йил 13 декабрда босишга рухсат берган жуда чиройли муқовали нусхасини ўқишга тутиндим. Бизнинг шаҳримизда унинг фақат битта Тошкент тошбосма нусхаси афғонистонлик буюк адиб ва шоир устоз Азимий Жўзжоний кутубхонасида бор эди. Мен тоғам ва устозим бўлган бу зотнинг ана шу китобидан ҳар доим фойдаланиб келардим.

Ўн беш ёшларимда қиш фаслининг дам олиш ойларидан фойдаланиб китобни ўқишга киришдим. Айрим жойлари ва баъзи сўзларини яхши тушунмасам ҳам, бешинчи дафтар («Садди Искандарий» достони)нинг охиригача ўқиб тамомладим. Шу-шу, Навоий мен учун ҳаётимда йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Унинг достонларидан ўзимга жуда ёққан парчаларни кўчириб олиб такрор-такрор ўқирдим. Шоирнинг мислсиз ижодий жасорати самараси бўлмиш байтлар зеҳнимга ўрнашарди. Масалан, шоҳларга ўгит сифатида битилган мана бу байт:

Гарчи синуқ игна ҳақунносдур,
Бағрингаро ханжари олмосдур.

Ёки мислсиз бадиий ифодага мисол бўлмиш тонг отиши тасвирланган ушбу байт:

Қўйди қуёш ўтида зулмат туни,
Учди ҳаво узра нужум учқуни.

Шу каби олтинга бергусиз байтлар сира тилимдан тушмас эди.

Кобул яқинидаги Пағмон туманининг марказидаги Шарҳий фанлар олий мадрасаси ва Кобул дорулфунунининг шариёт факултетида ўқиган йилларимда ҳам «Хамса»нинг ўша нусхаси ҳар доим ҳамроҳим бўлди. Китоб ҳозир ҳам менда.

Кобулда Бухородан келиб қолган атоқли олим, шоир ва адиб устод Ҳошим Шоиқ ва тошкентлик Домла Бедил лақабли машҳур шоир қори Шарафиддин Шарафнинг ўғли Ҳисомиддин акадан Алишер Навоийнинг бир қанча китобларини олиб мутолаа қилдим.

Ҳисомиддин ака «Хазойин ул-маоний»нинг бир қўлёзма нусхасини менга ўқишга берди. Бу нодир қўлёзма жуда саводли кўчирилган, Султон Ҳусайн Бойқародан бошлаб кўп шоҳу шаҳзодалар кутубхоналарида сақланган бўлиб, уларнинг муҳрлари босилган эди. Бу табаррук китоб ҳозир Америкада яшаётган Ҳисомиддин ака оиласи аъзолари тасарруфида бўлса керак.

Бизлар кирилл хати билан таниш эмасдик. 60-йилларнинг бошлари бўлса керак, Зулфияхонимнинг кичик ҳажмдаги танланган шеърлар китоби қўлимга тушиб қолди. Рус алифбосини ўрганиб олгач, ушбу китобчани ўқишга уриниб, баъзи ўзбекча ҳарфларни таниб олдим.

Масалан, тўпламдаги

Келтирардинг менга бир замон,
Энди сенга мен элтаман гул, —

деган мисралар ҳамон ёдимда.

Кейинроқ Ўзбекистон радиоси орқали Ойбек, Шароф Рашидов ва бошқа замонавий ўзбек шоиру ёзувчиларининг номлари, ёзган асарлари билан танишдим. Ойбекнинг Навоий ҳақида роман яратганидан хабар топдим. Сўнгра «Алишер Навоий» филмини кўрдим. Шу тариқа, менда Ойбекнинг «Навоий» романини ўқиб кўриш истаги кучайди...

Кўп йиллар ўтиб, шароит ўзгаргач, дўстларимдан бири Тошкентдан романни мен учун олиб келди. Асарни кунт билан қайта-қайта ўқидим, форс тилига таржима қилишга уриндим. Лекин романни нашр этиш учун шароит мавжуд эмас эди. Аммо вақти келиб шундай имконият топилди. Бир дўстим, «Жвандун» («Ҳаёт») журналининг мудири романга қизиқиб, унинг номини «Алишер Навоий» деб нашр этмоқчи бўлди. Чунки Кобулнинг катта бойларидан бири ўзига Навоий тахаллусини олиб, шу ном билан шаҳарда йирик супермаркет очган эди. Шундай қилиб, роман Ойбекнинг рассом чизган сурати, таржимаи ҳоли билан «Жвандун»нинг 1974 — 1975 йилги сонларида босилди. Афсуски, баъзи сиёсий ҳодисалар юз бериб, асар таржимасидан озроғи нашр этилмай қолди.

М.Саъдий: — *Роман таржимасида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?*

Ш.Жўзжоний: — Ойбекнинг ўзига хос услуби, тили бор. У халқ мақоллари, соф туркий сўзлар ва мафҳумларни кўп ишлатади. Араб ёзувида форсча-ўзбекча ёки туркча-ўзбекча луғатлар мавжуд бўлмагани учун тушунишим қийин бўлган сўзларни ўзбекча-русча луғатлар ёрдамида тушуниб олишга уринардим. Бу луғатлардан ўзбекча сўзларни изоҳлаб берган русча сўзларни ёзиб олиб, кейин русча-форсча луғатлардан ўша русча сўзларни қидириб топиб, маъносини англашга интилардим. Берилган маънолардан бирини романдаги маъносига қараб ўша қийин сўз сифатида танлаб олиб, таржима қилардим...

Ўзбек шеваларига хос бўлган баъзибир сўзлар маъносини ўша пайтда Кобулда хизматда бўлган дўстим Абдураҳим Манноновдан сўрардим. Айрим сабабларга кўра, менинг асарларим ва таржималарим ўлка матбуотида мустаор (бошқа) номлар, масалан, Илдирим, Унгут, Илғор, Шабтоб, Ш., Ш.Ж. тахаллуслари билан босиларди. «Навоий» романи таржимаси ҳам А.Ҳ.Илдирим имзоси билан босилди.

М.Саъдий: — *«Навоий» афғон китобхонларини қизиқтирдими? Улар романни қандай қабул қилдилар? Афғонистонликлар учун асар қандай аҳамиятга эга?*

Ш.Жўзжоний: — Сизга маълумки, Навоий яшаб, ижод этган давр, яъни темурийлар даври фанда Шарқ Ренессанси даври деб эътироф этилган. Бу даврда илм-фан гуллаб-яшнади: Улуғбек расадхонаси, буюк олимнинг «Зижи Кўрагоний» асари, Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари, улуғ ўзбек мусаввири Камолиддин Беҳзод яратган Ҳирот миниатюрачилик мактаби, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг доҳиёна асарлари, асрлар оша яшаб келаётган обидалар...

Навоий ана шу Уйғониш даврининг иккинчи босқичида Ҳиротда буюк маънавий-маданий ҳаракатнинг улкан раҳнамоларидан бири бўлди. Бу даврда Афғонистон тупроғида тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурди, фан-маданият ривожи учун кенг қўламда шароит яратиб берилди.

Темурийлар даврида қолган обидалар охирги 20 йиллик урушлардан кўп ҳасора кўрган бўлса-да, ҳозир ҳам ўз азамати ва чиройи билан кўзларни қамаштиради. Қисқача қилиб айтганда, Навоийнинг ҳаёти ва ижодий-ижтимоий фаолияти Афғонистон тарихининг олтин ҳарфлар билан ёзилган ажралмас бир фасли ҳисобланади. Шу сабабли Афғонистон барча халқи, тарихчилар ва зиёлилари Алишер Навоийнинг Афғонистон учун қилган буюк хизматларига катта эътибор бериб, унга нисбатан чуқур эҳтиром ва самимият кўрсатадилар.

«Навоий» романи буюк вазир ҳаётининг турли қирралари ва ушбу даврнинг барча хусусиятларини бадиий шаклда гавдалантириб бергани сабабли катта тарихий-бадиий қимматга эга. Шу боис ҳам роман таржимаси афғон зиёлилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

М.Саъдий: — *Сизнингча, романнинг бадиий аҳамияти нимада?*

Ш.Жўзжоний: — Ойбек фақатгина олий истеъдодли ёзувчи эмас, балки иқтидорли шоир ҳам бўлгани учун Навоийнинг ҳам ташқи, ҳам ички дунёсини чуқур тасвирлашга интилган. Адиб ўзбек ўтмиш тилини тарихий роман жанри меъёрларига мослаштириб ишлатди. Халқ мақолларидан, Навоий адабий тилига хос бўлган сўзлар ва атамалардан кенг фойдаланиб она тилимизнинг ифода имкониятларини кенгайтирди. У ишлатган сўзлар, яратган жумла ва иборалар булоқнинг тиниқ сувидек замиридаги мазмунни ёрқин ифодалайди. Ойбекнинг жумлаю иборалари кўпинча мўъжаз (қисқа) бўлишига қарамасдан, тўлиқ маъни ва мазмунни англатади. Бу ўринда Ойбек араб классик адабиётидаги «Энг яхши баён кўп маънига далолат қилувчи қисқа сўздир» деган қоидага амал қилганга ўхшайди.

Иккинчидан, Ойбек Навоий шахсиятини мужассамлаштиришда унинг фақат зоҳирий сиймоси, юриш-туришлари, сўзлаш ва кулишлари, баъзан эса ғазабланиш ҳолатларини маҳорат билан бадиий кўрсатибгина қолмай, балки унинг руҳий дунёси, якка ва танҳолиги, мусиқага алоқаси, армонларини ифодалашга муваффақ бўлади.

Ойбек романида Навоий улуғ давлат ва сиёсат арбоби, фан ва маданият тараққиётининг яловбардори, барча илму санъат аҳлининг ҳомийси, уруш ва қирғин душмани, тинчлик, сулҳу аҳиллик соқчиси, турли халқлараро дўстлик ва биродарлик жарчиси, буюк инсонсевар сифатида гавдаланади.

М.Саъдий: — *Сиз Ҳирот шаҳрини яхши биласиз. Ойбек «Навоий» романида тасвирлаган Ҳирот асл Ҳиротга қанчалик ўхшайди?*

Ш.Жўзжоний: — Мен билмайман, Ойбек Ҳирот шаҳрини кўрганми ёки кўрган эмасми. Ҳар ҳолда, унинг сехргар қалами ушбу шаҳарнинг XV асрдаги қиёфасини маҳорат билан тасвирлайдики, мен романни ўқиганда баъзан ҳаяжонланиб кетиб ўзим Хуросон пойтахтини ўша даврда яқиндан кўриб, у ерда юз берган ҳодисаларнинг шоҳиди бўлгандек бўлардим.

Навоий Ҳирот хиёбонини жуда севарди. Унинг асарларида хиёбонга бағишлаб ёзилган шеърларни кўп учратиш мумкин. Жумладан, «Ҳайрат ул-аброр»да:

Оллоҳ-Оллоҳ, не Ҳирий бу Ҳирий.
Бир-биридин турфа анинг ҳар бири.
Икки савобит фалакидин нишон,
Икки хиёбони икки каҳкашон.

«Девони Фоний»да:

Шаҳроҳ суи жаннати фирдавсӣ жўянд,
Фонии ба яқин дон ки, хиёбони Ҳиротаст.

Кўпни кўрганлар ҳузурида

Таржимаси: *«Эй Фоний, одамлар қидириб юрган жаннатга олиб борувчи шоҳкўча, дарҳақиқат, Ҳирот хиёбонидир».*

Ойбек Ҳирот шаҳрида ўқувчини кездириб, оддий одамлар кўролмайдиган нарсаларни кўрсатиб беради. Унинг ўткир нигоҳи қилни қирқ ёриб, ҳаётнинг жуда нозик ва мураккаб томонларини кўрсатишга қурби етади.

Муаллифнинг тасвирлаш услуби шу қадар кучлики, асарни ўқиган китобхон Ҳирот шаҳрида кезиб азамат миноралар, ҳашаматли масжидлар, одамлар билан гавжум кўчалару бозорлар, турли матоларга тўла дўконлар, илму фанга чанқоқ толиблар дарс оладиган йирик мадрасалар, узоқ ўлкалардан етиб келган савдо карвонлари ва янги отган қуёш нурлари билан сўзлашиб тургандек кошинкор маҳобатли равоқлар, тоқлар ва гумбазларни яқиндан кўргандек бўлади. Кимёгарлар, шишасозлар, мусиқачилар ва бошқа турли-туман касбу ҳунар эгалари билан тўлиб-тошган азим шаҳар ҳар куни минг-минглаб мусофирни қабул қилади ва минг-минглаб мусофир ундан жўнаб кетади. Ҳар ерда шеъру адабиётга қизиқиш бор. Мадрасалардан бозор расталари, ҳалвопаз дўконларигача одамлар шеърият, айниқса, Навоий ижодиёти билан қизиқадилар.

Ойбекнинг сеҳрли қалами билан битилган ушбу асарда Навоийнинг инсондўстлик туйғулари унинг барча хатти-ҳаракатида яққол кўзга ташланиб туради. Ойбек Навоийни энг олий инсоний фазилатларни ўзида жамлаган, барча инсонларга нисбатан меҳру шафқат манбаи ва ҳатто ҳайвонлар учун ҳам раҳму отифали бўлган бир улуғвор зот сифатида гавдалантириши ўқувчи қалбида унга нисбатан чуқур ҳурмат ва муҳаббат туйғусини уйғотади. Сиёсий можароларни тинчлик йўли билан ечиш ва юз берган қўзғолонларни одилона тадбирлар орқали тўхтатиш Навоийнинг мисли кам бўлган сиёсий раҳбар эканлигини исботлаб беради.

Тўғри, ҳозирги давр мезонлари асосида фикр юритадиган бўлсак, романнинг айрим саҳифаларида тоталитар тузум мафкурасининг таъсири сезилади. Масалан, фан-маданият ҳомийси, ўзбек мумтоз адабиётининг улуғ намоёндаси Султон Ҳусайн Бойқаро образи ана шу мафкура асосида яратилган. Бироқ бундай камчиликлар романнинг аҳамиятини асло пасайтирмайди.

Ўзбек романчилигининг ўрнаги (Мақсуд Шайхзода) бўлган Ойбекнинг «Навоий» романи миллий адабиётимизда тарихий-биографик жанрни бошлаб берганлиги билан ҳам узоқ йиллар ўз қимматини сақлаб қолиши шубҳасиздир.

Суҳбатдош: Маҳмуд САЪДИЙ

ҲАЁТДА ҲАМ, ИЛМДА ҲАМ САМИМИЙ

Икки оғиз дил сўзи

Домла Ҳамиджон Ҳомидов билан биринчи учрашувим 1964 йили содир бўлган. Биз — университет талабалари дипломолди амалиётини ўташ учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига борган эдик. Ёз пайти, ҳаво иссиқ, аммо институтда иш қизғин эди. Диққатимни қўлёзмалар бўлими хонасининг бир чеккасида каттакон бир китобни берилиб мутолаа қилаётган хушсурат йигит ўзига тортди. Китобнинг ажойиб қадимий безаклари, арабий ҳуснихати, суратлари ҳавасимни келтирди шекилли, анча тикилиб қолибман. Буни сезган йигит мутолаани тўхтатиб, ўрнидан туриб, мен билан кўришди ва менинг кимлигимни сўраб билиб олгач, ўзини таништирди: «Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг аспиранти Ҳамиджон Ҳомидов. Ўқиётган китобим «Шоҳномаи туркий», — деди у. — Абулқосим Фирдавсий асарининг ўзбекча насрий таржимаси, XVIII асрда Хомуший амалга оширган». Ҳамиджон ака ўз мавзуи, адабиёт тарихи, «Шоҳнома»нинг шуҳрати ҳақида завқ билан жўшиб гапирарди, мен эса берилиб тинглардим.

Тақдир тақозоси билан камина ҳам университетни битириб, Тил ва адабиёт институти аспирантурасига кирдим, таржима тарихи йўналишида илмий мавзу устида ишлай бошладим. Ана шу «мавзудошлик» сабабми ёки Ҳамиджон аканинг дилкашлиги, самимийлигими, биз тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик. Мен шундан хурсандманки, домла Ҳамиджон билан дўстлигим, мулоқотларим менга кўп нарса берди. Бу инсоннинг қалбида зарра бир ғайирлик, ўзини баланд олиш, такаббурлик йўқ. Ҳаётда ҳам, илмда ҳам самимий, хушсухан ва хокисор. Ҳар гал кўришганда ё бирор янги манбаъ, ё ўзи ёзган мақола, китоб ёки касбдошларимизнинг илмий муваффақиятлари ҳақида қувониб гапиради, ҳамон ўша ёшликдаги кўтаринки кайфият, шавқ-завқ тарк этмаган домлани. У кишини кўриб, менинг ҳам қалбим завққа тўлади, ишлагим, ёзгим келаверади.

Ҳ.Ҳомидовнинг ўндан ортиқ китоб ва рисолалари чоп этилган, адабиёт тарихи, маърифат ва маънавият дурдоналари жамланган «Машриқзамин — ҳикмат бўстони», «Кўҳна Шарқ дарғалари», «Тасаввуф алломалари», «Авесто» файзлари», «Боқий бўстон таровати» номли китоблари аллақачон халқимизнинг севимли асарларига айланиб қолди. Ишни «Шоҳнома» таржималари тадқиқотидан бошлаган Ҳ.Ҳомидов ўзбек адабиёти тарихи, адабий алоқаларга оид талай тадқиқотларни амалга оширди, бир қанча дарслик ва қўлланмалар яратиб, талабаларга маърифат нурини таратмоқда.

Лекин у фақат шунинг ўзи билан чеклангани йўқ. Заҳматкаш олим, профессор Ҳ.Ҳомидов кенг маънодаги маърифатчи олимдир. Унинг «Кўҳна Шарқ дарғалари» китобида Зардуштдан Саййидмубаширхон Косонийгача бўлган турли даврў замонларда яшаган етмиш уч сиймонинг таржимаи ҳоли, асарлари, маънавий-маърифий ишлари ҳақида сўзланади. Улар орасида атоқли шоирлар билан бирга маърифатпарвар султонлар, амирлар, вазирлар, файласуфлар, тарихчилар, рассом ва бастакорлар бор. Дунёнинг биринчи бастакори Борбад ижоди, ёзувчи-тарихнавислар — Табарий, Наршахий, Маҳмуд Хўжандий, Хуросон ва Мовароуннаҳрда туғилиб вояга етган Унсурий, Ахсикатий, Арузий Самарқандий, Анварий, Адиб Собир, Авфий Бухорий, Сайфи Фарғоний, Бадр Чочий, Фаноий, Салмон Соважий, Воийиққан ва маърифат гулшани бўладиган тазкира характеридаги ажойиб китоб яратган. Бундай китобларни яратишда одамнинг умри баъзан кифоя қилмайди. Аммо Ҳ.Ҳомидов тинимсиз меҳнати туфайли бунга эришган. Китобда соф янги тадқиқот бўладиган бўлимлар анча. Чунончи, султон Маҳмуд Ғазнавий ҳақида шўро замонида фақат салбий фикр билдириб келинган. Лекин Ҳ.Ҳомидов талай тарихий манбаларни ўрганиб, биринчи марта султон унвонига сазовор бўлган Маҳмуд ғоят жасур, илм-маърифатга қайишган, эътиқодли подшо бўлганини исботлаган ва унинг саройида ижод этган бир қанча шоирлар, тарихчилар тўғрисида маълумот берган.

Шу каби «сарой адабиёти» деган тушунчага муносабат билдириб, алоҳида бўлимда бу масала теран назарий таҳлил қилинган; шўро даври илмининг бирёқламалиги очиб берилган. Муаллиф саройни адабий, илмий кучларни тўплайдиган марказ деб қарайди. Дарҳақиқат, бундай олганда, адибларимизнинг кўпи сарой муҳити билан боғлиқ ҳолда ижод этганлар ва айни шу муҳитда яшаб улуғ гуманистик ғояларни куйлаганлар. Шу боис уларни сарой шоири, подшо маддоҳи деб қарашимиз ножоиз. Улуғ Навоий — амир, Бобур — шоҳ, Нодира — малика эди. Аммо улар инсон қалби ва шуурининг кашшофи, беназир адабий обидалар яратган зотлар ҳам. Ҳ.Ҳомидов адиблар хизматини тарихий шароит, адабий жараён талабидан келиб чиқиб муносиб ва холисона баҳолайди.

Муаллифнинг илмий ҳалоллиги, бошқа тадқиқотчиларга ҳурмати шундаки, у ҳар бир сиймо ҳақида гапирганда, ўзигача бу соҳада тадқиқот иши ёзган ёки таржима билан шуғулланган хорижлик ва ўзимизнинг олимлар меҳнатини албатта қайд этиб, ҳавола қилиб боради. Худди шундай усул «Тасаввуф алломалари» китобида ҳам қўлланилган. Олтмишдан ортиқ сўфий шайхлари ҳақида қимматли маълумот берилиб, ҳикматли сўзларидан намуналар келтирилган. Яъни Аттор, Жомий, Навоий анъаналари давом эттирилиб, машойихлар тазкираси яратилган.

Ҳ.Ҳомидовнинг нигоҳи қамровли, тадқиқот доираси кенг ва айни вақтда чуқур. У исломгача бўлган маънавий ёдгорликларни ҳам, ислом даври маданиятини ҳам бирдек севиб ўрганади ва тарғиб-ташвиқ этади.

Узоқ илмий изланиш ва қалб қўри билан ёзилган бу китоблар маънавий тикланиш сари олиб борилаётган умуммиллий ҳаракатимизга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Олим ҳар бир сиймони, ҳар бир буюк асарни аввало инсоният маърифати, халқимиз маънавий камолоти нуқтаи назаридан олиб баҳолайди. Ҳикмат ва донишмандлик хазинаси бўлган Шарқнинг бой адабий меросини ўқувчиларга яхлит ҳолда етказмоқчи бўлади. Ҳ.Ҳомидов китобларини ўқир эканмиз, кўз олдимиздан ўрта асрлар шароитида ўлмас обидалар яратган, инсонларни илму дониш, шеъру шуур файзидан баҳраманд этиш учун жон фидо қилган улуғ ижодкорлар, маърифат саркардалари саф тортиб ўтади, бу маънавият карвони ҳозир ҳам биз билан баравар қадам ташлаб бораётгандек, баҳрамандлик завқи билан қалбимизни ёритаётгандек бир ҳиссиёт пайдо бўлади.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов етмиш ёшга қадам қўяр экан, эл-юрт ҳурматини қозониб, устоз олимларимиз қаторидан жой олиб турибди. Низомий номидаги Педагогика университетида таълиму тарбия билан мунтазам шуғулланган ҳолда, устози Натан Маллаев ишини давом эттириб, классик адабиёт кафедрасини бошқариб келаётгани, ўнлаб фан номзодларига раҳбарлик қилгани — буларнинг ҳаммаси бурчга, илм-маърифатга садоқатнинг нишонасидир.

Мен дўстим, қадрдоним Ҳамиджон Ҳомидовни муборак ёш билан табриклар эканман, илм майдонида ўша-ўша ёшликдаги шавқу завқи сўнмасин, дейман ва яна кўпдан-кўп ажойиб асарларни ҳали туҳфа этсин, дея тилак билдираман.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
профессор

СУРАТДА: *профессор Ҳамиджон Ҳомидий шогирдлари даврасида.*

ҚУЁШ ҲАРОРАТИДАН КУЧЛИ...

Мулоҳаза учун мавзу

Ҳаётимиз файзи ва кўрки бўлган аёл ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, оқилалиги, ғамхўрлиги, меҳрибонлиги билан оиладаги, жамиятдаги мувозанатни сақлаб турадиган мукаррам зотдир. Оилага файзу баракот киритадиган, хонадонларни нафосат ва эзгулик нури билан мунаввар этадиган ҳам аёл. ...

«Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир, чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди...», дейди юртбошимиз.

Яқинда Президентимиз катта ўзгаришлар амалга оширилган Мустақиллик майдонини кўздан кечираётиб, бу жойда чақалоғига меҳр билан тикилиб турган навқирон онанинг муҳташам ҳайкалини ўрнатишни таклиф этди.

Бу таклифни эшитгач, кўнглимиздан шу сўзлар кечди: «Аёлни улуғлаган, ардоқлаган эл кам бўлмайди».

Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент Фармонининг эълон қилиниши ҳам аёлларимизга она тимсоли сифатида кўрсатилаётган эъзознинг бир намунасидир.

Мустақиллик шарофати билан биз ўзлигимизни англадик, миллий қадриятларимиз қайтадан қад ростлади. Айниқса, кейинги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила ва маҳалла тизимини мустаҳкамлаш каби устувор бўлган вазифалар амалга оширилди. Жумладан, 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганида ҳам ана шундай мақсадларга қаратилган давлат сиёсати мужассам эди. Айни вақтда нафақат оилада, балки маҳаллада, бутун жамиятда меҳр-оқибат, самимият ва саховат муҳитини асраб-авайлаб, мустаҳкамлашга интилиб яшаётган оналаримиз — азиз аёлларимизни чинакам меҳр-мурувват тимсоли деб баралла айта оламиз. Бир кўҳна нақл бор:

Қуёшдан сўрабдилар:

— Сенинг ҳароратингдан ҳам зўрроқ ҳарорат борми?

Қуёш жавоб берибди:

— Бор, бу — она меҳри. У менинг тафтимдан кучлироқ.

Она меҳри чексиз, ҳудудсиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 27 январда меҳр-мурувват, шукрона ва саховат ифодаси бўлган анъанавий «Меҳржон» халқ сайилини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Ушбу қарорга биноан, 23 сентябрдан бошлаб бир ой давомида «Меҳржон» халқ сайили нишонланади.

Халқимиз олтин кузнинг ушбу фаслини донишмандлик фасли, табиат неъматларини етказиб берадиган мўъжизавий фасл дея таърифлайди.

Бир ой давом этадиган ана шу саховат-донишмандлик фаслида ўлкамизнинг ҳар тарафида «Меҳржон» халқ сайили нишонланади. Шу ўринда, МЕҲРЖОН ойининг бир кунини «Оналар куни» сифатида нишонласак деган таклифни ўртага ташламоқчимиз.

Жаҳоннинг бошқа давлатлари, масалан, АҚШда «Оналар куни» байрами, Ҳиндистонда «Карвачўт» байрами, Шарқий Европа мамлакатларида эса аёллар ёзи каби оналарга бағишланган байрамлар қадимдан нишонланиб келмоқда. Ўйлаймизки, мустақил ватанимизда мунис оналаримизни ҳар қанча эъзозласак ҳам оз.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди,
Баҳодир СУЛТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Гулчеҳра КАРИМОВА,
Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалла маслаҳатчиси

ФИДОЙИ ОЛИМ

Археология — қадимий маданият ёдгорликлари асосида халқларнинг тарихий ўтмишини, турмуши ва маданиятини ўрганувчи фандир. Мамлакатимизда расмий археологик тадқиқотлар ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бошланган. Академик Т.Қори-Ниёзийнинг ёзишича, ўша йиллари музейлар ва қадимий меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш қўмитаси Термиз ёдгорликларини ўрганишга киришган, қазув ишлари бошланган. Худди шу даврда Самарқанд шаҳри чеккасидаги Афросиёб харобаларида ҳам археологик қазув ишлари олиб борилган.

Ўзининг бутун умрини, иқтидори ва ғайрат-шижоатини археология фани ривожига бағишлаган олимларимиздан бири академик Аҳмадали Асқаровдир.



Тўйхат

А.Асқаров ёшлигидан тарих фанига қизиққан. 1953-1957 йиллари Низомий номидаги ТДПИнинг тарих факултетида, кейин эса Санкт-Петербург Археология институтида профессор М.П.Грязнов раҳбарлигида аспирантурада таълим олган, «Зарафшоннинг қуйи ҳавзаси бронза асрида» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Аспирантурадан сўнг Ўзбекистон ФАнинг Тарих ва Археология институтига ишга олиниб, дастлаб кичик илмий ходим, сўнгра катта илмий ходим вазифасида устоз академик Я.F.Ғуломов раҳбарлигида она-Ватан қадимияти — археология билан шуғулланишни давом эттирди. Узоқ йиллар давомида Тарих ва Археология институтида бўлим мудири, директор ўринбосари, Самарқанд археология институти директори лавозимларида фаолият юритди. 2000 йилдан Низомий номидаги ТДПУ Тарих факултетида дастлаб профессор, айни чоғда «Ватан тарихи» кафедраси мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

А.Асқаров бутун умрини ўзбек халқи ўтмиш тарихини археологик манбалар асосида ўрганишга бағишлади. У илмда кўп кашфиётлар соҳиби академик Я.F.Ғуломов илмий мактабининг беназир давомчиси, таниқли олим, ёшларнинг ғамхўр ва талабчан устози сифатида танилди. Унинг Замонбобо, Сополлитепа, Жарқўрғон, Бўстон ва Кучуктепада олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижалари археология фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Олимнинг «Жанубий Ўзбекистонда бронза асри» мавзуида ёқлаган докторлик диссертациясида Ўзбекистон ҳудудлари қадимги Шарқ цивилизацияси марказларидан бири бўлганлиги, Ўзбекистонда қадимги шаҳар маданияти ва давлатчилик тарихи 3,5-4 минг йил олдин шаклланганлиги, ўтроқ деҳқончилик маданияти ва кўп тармоқли ихтисослашган ҳунармандчилик, жумладан, ипакчилик ва пахтачилик тарихи ҳам 3,5-4 минг йилдан кам эмаслиги илмий исботланди.

Олим археология соҳасидаги изланишларини Бухоро вилоятидан бошлади. Унинг ибтидоий давр ёдгорликларини ўрганиш борасида қилган ишлари Зарафшон ва унинг ирмоқлари бўйлаб устоз академик Я.F.Ғуломов олиб борган илмий қидирув ишлари билан узвий боғлиқдир. Ўрта Осиё шароитида бронза даври ибтидоий жамоа хўжалигининг икки йўналишда ривожланиши ҳақидаги устоз Я.F.Ғуломов ўртага ташлаган ғоя Аҳмадали Асқаров илмий изланишлари туфайли янги маълумотлар билан бойитилди. Хусусан, Аҳмадали Асқаров чўл ва дашт минтақаларида яшаган чорвадор қабилаларнинг маданиятини ўрганиш ишида салмоқли натижаларга эришди. Айниқса, Замонбобо маданиятини ўрганишда олимнинг алоҳида хизматларини таъкидлаш мумкин. Бу маданиятга оид қадимги қабристон ва ибтидоий қишлоқ қолдиқлари ўрганилди. Уй-жой қурилиши, моддий маданият ашёлари ва дафн маросими урф-одатларини чуқур таҳлил қилиш натижасида дашт-чўл ҳудудларига хос бўлган Замонбобо маданияти таърифлаб берилди ва алоҳида қадимги маданият сифатида археология фанига киритилди.

А.Асқаровнинг илмий фаолиятидаги етакчи йўналишлардан бири Жанубий Ўзбекистон – қадимги Бақтрия ҳудудидаги бронза даври ёдгорликларининг ўрганилиши, уларнинг қадимги Шарқ цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамиятининг очиб берилишидир. Шу мақсадда, А.Асқаров Жанубий Ўзбекистонда бронза даври ёдгорликларини фундаментал ўрганиш мақсадида махсус экспедиция уюштириб, унинг ишида фаол иштирок этди. Олим 1969 йилдан эътиборан бир неча археология ёдгорликларини топиб, уларни чуқур тадқиқ этди. Сополлитепа ва ундаги қабристон тўлалигича ковлаб очилди, бундай ҳолат археология фанида камдан-кам учрайди. Сополлитепа нафақат бой топилмалари билан, балки бошқа шу каби ёдгорликларни ўрганишда ҳам ўзига хос «эталон» бўлиб қолди. Пишактепа, Кучуктепа, Жарқўтон, Бўстон каби қадимги шаҳар ва қишлоқ қолдиқлари, улар билан боғлиқ дафиналар системали равишда ўрганилиб, Марказий Осиё археологиясида ўз ўрнини топди.

Сополлитепа ёдгорликларини ўрганиш жараёнида кавлаб топилган ноёб топилмалар Ўзбекистон халқлари тарихида янгидан-янги саҳифаларни очди. Жумладан, қадимги деҳқончилик маданияти деярли 1000 йилга, ипак ва пахта тарихи 2000 йилга қадимийлаштирилди. Ўзбекистонни ипак ва пахтанинг илк ватанларидан бири эканлиги исботланди. Ўзбек давлатчилигининг илдизлари очиб берилди. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши Жанубий Ўзбекистон археологик ёдгорликлари мисолида кўрсатиб берилди.

Узоқ йиллар давомида узлуксиз олиб борилган илмий тадқиқот, машаққатли меҳнат, ижодий изланиш А.Асқаровнинг «Жанубий Ўзбекистонда бронза даври деҳқончилик маданияти» номли йирик асарининг нашр этилиши билан ўз якунини топди. Бу китоб олимнинг илмий асарлари ичида умумлашма ва хулосаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Тарихимиздаги энг муҳим, нозик ва ечилиши керак бўлган масалалардан бири ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидир. Бу муаммо узоқ вақтлардан бери кўплаб соҳа мутахассислари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Аммо бу масалага қизиқиш кейинги 20-30 йил ичида тўпланган археологик ва антропологик материалларнинг ортиши ва айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг янада кучайди. Академик А.Асқаров турли соҳа олимлари — археологлар, тарихчилар, шарқшунослар, тилчилар, антропологлар, фолклоршунослар, элшунослар, нумизматлар билан ҳамкорликда бу борада ҳам самарали ишларни амалга оширмоқда.

Олим ўз тадқиқотларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва генетик-популяция соҳаларини чуқур тадқиқ этишни асосий вазифа қилиб қўйди. Халқларнинг келиб чиқиши масаласида у қатъий туриб ҳимоя қилаётган илмий концепция — ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки қисмдан — этногенез ва этник тарихдан иборат эканлиги масаласидир. Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шаклланганигача қадар давом этган тарихдан иборат.

Аҳмадали Асқаров дастлаб ишни ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини маълум изчил хронологик даврлаштиришдан бошлади. Унинг кейинги йилларда олиб борган тадқиқотларида ўзбек этногенезининг бошланиши бронза давридан бошланади, деган ғояни ўртага ташлаш бўлди. Шу муносабат билан муаллиф қатор илмий мақолаларни ўзбек этногенези ва этник тарихининг назарий ва методологик масалаларига бағишлади. Туркий этнос бу заминда жуда қадимдан мавжуд эканлигини илмий асослади.

А.Асқаров фан оламида эришган ютуқлари ва юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун 1984 йилда ЎзФА мухбир аъзоси, 1985 йилда Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, 1987 йилда ЎзФА академиги, 1990 йилда профессор, 1995 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонларига сазовор бўлди.

А.Асқаров 300 дан ортиқ илмий мақолалар ва монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи. Унинг илмий кашфиётлари нафақат Ватанимизда, балки унинг ташқарисида ҳам илмий жамоатчилик томонидан кенг тан олинган.

Ўзининг қутлуғ ёшини нишонлаётган муҳтарам ҳамкасбимизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
Юрий БУРЯКОВ,
ЎзФА академиклари

Рассом устахонасида

ПЛАКАТ АСАРЛАРИ УСТАСИ

КамолиддинБеҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг китоб графикаси бўлимида кўп йилларидан бери ижодий фаолият кўрсатиб келаётган плакатчи рассом Носир Ҳусановнинг номи санъат шинавандаларига яхши таниш. У Беньков номидаги Рассомлик билим юртини тугатиб, Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг ҳозирги (М.Уйғур номидаги санъат институти) рассомлик факультети плакат графикаси бўлимига ўқишга кирди. Ёш рассомнинг иқтидорини сезган устозлари Қутлуғ Башаров, Фарруҳ Кагаров каби йирик график рассомлар шу институтнинг китоб графикаси бўлимида ишлашга таклиф этдилар. Педагоглик билан бирга ижодий фаолиятни ҳам қўшиб олиб борган Н.Ҳусанов турли кўргазмаларда ижодий ишларини намойиш эта бошлади. Рассом асарларининг аксариятида ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ва анъаналарини акс эттиришга интилиш сезилади.

Албатта, рассом ижодининг барча даврларида жиддий изланишлар олиб бориб, кўплаб эсда қоларли асарлар яратишга муваффақ бўлди. Лекин унинг юртимиз истиқлолга эришгандан кейинги ижоди янгиликларга бой бўлиб, ранг-баранглик касб этди. Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида бўлиб ўтган «Ёшларни аср вабосидан асранг» номли кўрик-танловда «Ёшларни ажал домидан қайтарайлик», «Наша — ажал», «Спид вабоси» сингари долзарб асарлари билан иштирок этди.

Мусаввир ижодида инсон ҳаётига хавф солувчи зарарли иллатларни қораловчи асарлар етакчи ўринда туради. Масалан: «Водка» деб номланган оқ-қора фонли плакатида ароқни ичишга берилиб, унинг қулига айланиб қолган, охир-оқибат ҳаёти фожиавий якун топиши мумкин бўлган инсон қисмати акс эттирилади.

Ёшларни гиёҳванд моддалар истеъмол қилишдан сақланишга даъват этувчи плакат асарларидан бири «Героин — қотил» деб номланган. Асарда юксак тасвирий ифодавийликка эришилган.

«Ёшларни ажал домидан қайтарайлик!» плакатида эса тухумдан яқиндагина чиққан ўрдакча, ўзи сезмаган ҳолда, катта сувга тушиб кетиш ҳолатида тасвирланган. У билмайдики, катта сувнинг тагида яшил рангда «опиум» ёзилган хавфли уммон турибди. Агар ўрдакча вақтида тўхтатилмаса, бир-икки қадам ташлаб, қисқа дақиқалар ичида қайтарилмас хатога йўл қўйиши мумкинлиги томошабинга тушунарли рамзий тасвирда оддийгина кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, Н.Ҳусанов аввалари унутилаёзган миллий анъанавий ўйинларни тасвирловчи плакатлари билан ҳам кўпчиликнинг тилига тушган. Масалан, «Туя кўтариш», «Шохмотчи», «Арқон тортиш», «Хўроз уруштириш», «Дорбозлик», «Чиллак ўйини», «Қўчқор уруштириш», «Кураш», «Камондан отиш», «Буқа кўтариш», «Қиз қувиш», «Улоқ», «Варрак учириш», «Човгон», «От устида курашиш», «Қўл агдариш» каби бир қанча плакатлари орқали бугунги ёш йигит-қизлар қадри улуғ миллий ўйинларимизга даъват этилади.

Н.Ҳусановнинг ижодий фаолияти безътибор қолмади. 2003 йили Марказий кўргазмалар залида шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медали билан тақдирланди. Ўша йили август ойида «Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танловида қатнашиб, Бадиий академиянинг яна бир кумуш медали билан мукофотланди.

Айни кунларда рассом шогирдлар тайёрлаш баробарида ижодий ишларини ҳам қизғин давом эттирмоқда.

Тўлқин АҲМЕДОВ,
санъатшунос



«ҚИРМИЗИ ОЛМА» ИСТАНБУЛДА

Боши биринчи бетда.

Биз эса Оврупо театрлари спектаклларини қизиқиш билан томоша қилиб, уларни мамлакатимиз театрларининг режиссураси, репуртуари билан қиёсладик. Тўғрисини айтганда, театр санъати бизда анча ривож топганига амин бўлдик.

Спектаклимиз намойиш этилганидан кейин бизга катта эътибор беришди, ишқибозлар қўпайиб, спектаклимизни саҳнада қайта қўйилишини илтимос қилишди. Режиссура ва театр ҳаёти ҳақидаги суҳбатларимиз ғоят қизиқарли бўлди.

Сафардан қайтгач, бир нарса мени ўйлантириб қолди. Туркиядан мақтов ва совринлар билан қайтдик. Қоҳира шаҳрида «Чимилдиқ» спектакли намойиш этилганда, уни қайта-қайта намойиш этишимизни илтимос қилишди. Ҳамма спектакллар фестивалда бир марта қўйилса, «Чимилдиқ» икки марта қўйилди. Лекин ўз юртимизда «Қирмизи олма», «Чимилдиқ» ва яқинда қўйилган «Андишали келинчак» спектакларимиз жуда кўп танқидга учради, кўп баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Ҳатто Миллий театр репертуарига тўғри келмайди, дегувчилар ҳам топилди.

Бундай вазиятда саҳналаштираётган спектакларимизнинг даражаси жуда пастмикин деб, ўйлаб қоламан. Танқидчиларимизга, томошабинларга қандай спектакллар маъқул бўлади? Улар айтишсин, йўл кўрсатсинлар. «Чимилдиқ» спектакли саҳна юзини кўрганига 10 йил бўлди. Ҳамон халқ кўришга ошиқади, хар гал зал тўла.

Тушунишимча, томошабин кун бўйи ақл-заковатини ишлатиб, кечқурун яна жиддий спектакл кўришдан чарчайди. Собиқ иттифоқ даврида қолган анъана, яъни инсонни ўйлантирадиган асарлардан чарчаганлари аниқ. Томошабинлар ишдан кейин театрга келиб дам олгиси келади. Комедия томошабиннинг чарчоғини ёзади, кулдиради, бироз бўлса-да руҳан тетиклаштиради. Кулган одамнинг умри узун бўлади деб, бежиз айтишмаган. Шундай бўлса-да, тан олиш керакки, одамларнинг тафаккурини юксалтирадиган спектакларимиз оз, фақат кулдирадиган енгил спектакллар билан иш битмайди. Бунда театрларимиз билан бирга драматургларимизнинг ҳам айби бор, деб ўйлайман.

Санъатшуносларимизнинг фикрларига зид бўлса-да, спектаклнинг баҳосини томошабин беради. Муҳими шу. Балки бу ўтиш давридир, комедиянинг даври келгандир, ким билади дейсиз. Бир вақтлар «Отелло»ни ҳам халқ ёпирилиб келиб кўрган-ку.

Баъзан мендан режиссёр кўзи билан қараганда Ўзбек Миллий академик драма театрининг репуртуари сизни қониқтирадими, деб сўраб қолишади. «Чимилдиқ»дан бошлаб, «Қирмизи олма», «Андишали келинчак» комедиялари ҳамда жиддий «Дарахтлар тик туриб ўлади», «Адибнинг умри» каби бошқа спектакларга томошабин оқиб келаяпти. Тўғри, баъзи спектакларда 40-50 та одам бўлади. Шунга қарамасдан, театр жамоаси тинимсиз изланишда, ҳаракатда. Ҳозирги кунда драматургия муаммоси барчани ўйлантириб келмоқда. Баққуват пиесалар жуда кам. Шунинг учун ҳам классика, таржималарга мурожаат қиламиз.

Бизга келган пиесаларни сал «илинадиган жойи» бўлса шартта ушлаб қоламиз. Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Пиеса талабга жавоб берадиган, чуқур ёзилган асар бўлса жон-жон деб саҳналаштирамиз. Драматургларимиз ҳам ўтиш жараёнида изланишаётгандир, қандай ёзсак халққа маъқул бўлади, деб балки ўйлашаётгандир. Шундай бўлса-да театр ўз репертуарини ранг-баранг спектакллар билан тўлдириб бораяпти.

М.ҲОЖИМАТОВА ёзиб олди.

КИНОМИЗНИНГ ИЗЧИЛ ТАРИХИ

Китобинғизни ўқидим

Маданиятимиз тарихини «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Мафтунингман», «Маҳаллада дув-дув гап», «Соҳибқирон Темур», «Алпомиш» каби ўнлаб бадиий филмларсиз тасаввур қилиш мушкул. Миллионлаб ўзбек томошабини бир асрга яқин муддат давомида Абдулла Қодирий таърифи билан «оқ чодир»да намойиш қилинган ҳужжатли, бадиий тасма тасвирларини томоша қилиб келмоқдалар.

Аммо ҳар бир илм, санъат соҳаси фақат шаклланиш ва ривожланиш тарихи тадқиқ этилгандагина ҳақиқий қадр-қиймат салмоғига эга бўлади. Соҳанинг ҳақиқий тарихини эса ўз касбига фидойи олим яратиши мумкин. Аниқроғи, ўз соҳасига фидойи мутахассис яратган тарих чинакам қадр-қиммат, илмий аҳамият касб этади. Яқинда филология фанлари доктори Ҳамидулла Акбаровнинг хийла кенг ҳажмга эга «Кино санъати тарихи» китоби нашрдан чиқди (Ҳамидулла Акбаров. Кино санъати тарихи. Маданият ва санъат йўналишидаги ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент — 2005).

Китоб ҳақида фикр юритишдан олдин, бизнингча, муҳим бўлган икки масала ҳақида тўхталиб ўтиш маъқул. «Кино санъати тарихи» расман қўлланма тарзда эълон қилинган бўлса-да, бу асар санъат, маданиятимиз тарихи билан қизиқувчи зиёлиларни танқис маълумотлар мажмуаси сифатида жалб қилиши мумкин. Чунки китобдан юртимизда кино тасвири намойиш қилинган дастлабки кунлардан миллий кино санъатимизнинг биринчи намуналарини суратга олиш машаққатларигача; қалдирғоч сценарийчи, режиссёр, оператор, актёрлар тақдиригача бўлган жараён юзасидан асосли ҳужжатлар далил сифатида ўрин олган. Муаллиф бугунги кунда ҳаётдан кўз юмган ўнлаб гувоҳ шахслар ва кино санъати тарихини яратувчилар билан ўтказган суҳбатларидан саналар қайд қилинган ҳолда мисоллар келтиради. Мустабид тузум пайтида оддий олим учун тақиқланган ва эндигина ўрганиш имконияти туғилган архив ҳужжатларидан кўчирмалар олади. Умумий ҳисобда юздан ортиқ кино санъатини яратувчилар ва юздан ортиқ ҳужжатли, публицистик, бадиий кино асарлари ҳақида мулоҳазалар билдиради. Муҳими шундаки, бу мулоҳазалар кино санъати тарихини мисқоллаб йиққан, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан ўзи мазкур тарихни фаол яратувчиларидан бирига айланган фидойи олим ва устознинг қалбида ўнлаб йиллар давомида қиёмига етган ҳукмлардан иборат. Иккинчидан, маданият, кино, телевидение соҳасидаги олий ва ўрта махсус таълим меъёрида билим олувчи талабалар биринчи марта бутун ҳаётини ўзлари ўрганадиган санъатни илмий тадқиқ қилишга бағишлаган, муттасил ўз тажрибасидан ёшларга маърузалар ўқиган мутахассис қаламига мансуб қўлланма билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Албатта, китоб ҳақидаги мулоҳазаларимизни битта мақола чегарасида тўла баён қилишимиз қийин. Шунинг учун мазкур асардаги энг муҳим нуқталар юзасидан фикр билдиришга ҳаракат қиламиз.

Муаллиф ўзбек кино санъатининг илк вакиллари Наби Ғаниев, Сулаймон Хўжаев, Худойберди Девонов, Комил Ёрматов фаолиятини хронологик тарзда кузатади. Уларнинг илк ижодий маҳсулотларини таҳлил қилади. Бу йўлдаги машаққатларини изоҳлайди. «Тонг олдидан», «Пахтаорол», «Иккинчи хотин», «Равот қашқирлари» деб номланган дастлабки филмларнинг яратилиши тафсилотларини ҳужжатлар асосида тадқиқ этади.

Янги санъат ўзининг мураккаблиги билан ўзбек фарзандларини ҳам ром этди. Айниқса, кино тасмалари овозсиз намойиш қилинган пайтда режиссёр, актёр, сценарий муаллифи ҳар бир кадр устида эҳтиёт бош қотириши лозим эди. Шу билан бирга, томошабинларнинг соддалигини (кадрда томошабинга қараб от югурганида одамларнинг қочишлари) ва устига устак ҳар бир ҳаракат Москвадаги нозирлар томонидан тафтиш қилинишини эътибордан қочирмасликка мажбур этарди. Аммо, барибир, ҳақиқий ижодкор ҳаёт ҳақиқатидан юз ўгира олмайди. Худойберган Девоновга марказдан юборилган йўриқномада «Мана бундай кадрларни олинг (мисоллар), мана бундай кадрларни олманг» (мисоллар) каби буйруқларнинг берилиши охир пировардида санъаткорнинг инглиз жосуси деб эълон қилинишига ва 1938 йил 4 октябрда отилишига олиб келди. Сулаймон Хўжаев эса «Тонг олдидан» филмига сценарий ёзгани, унга режиссёрлик қилгани ва рол ўйнагани учун қатл қилинди.

Ҳамидулла Акбаров бу маълумотларни ҳам маданиятимиз мухлисларига, ҳам келгусида ўз тақдирини кино санъатига бағишлаган ёшларга маълум қилаётганини аниқ ҳис қилиб туради. Айниқса, ёшларга санъаткор сифатида ижод қилиш учун шахс том маънода буюк инсон бўлиши лозимлигини таъкидлайди ва Н. Ғаниев, С Хўжаев, Х. Девонов ҳаётидан мисоллар келтиради. Хусусан, Х. Девонов ҳеч қачон отасининг девонбеги бўлганини, ўзи ҳам хонлар саройида шу лавозимда ишлаганини, «кулак» деган тамғадан қочиб бутун ер, мол-мулкини давлатга топширганини яширгаган. Ёки С. Хўжаевнинг терговчига айтган гапларидан келтирилган иқтибосни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Китобда қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида ўнлаб кино санъати ижодкорлари, уларнинг оила аъзолари билан ўтказилган суҳбатлардан намуналар келтирилган. Насриддин Афанди билан боғлиқ, «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарғона қизи», «Ўтган кунлар» каби бир қатор филмларни суратга олиш жараёнига оид қизиқ-қизиқ ҳикояларнинг берилиши фикримиз далилидир. Яна бир мисол билан муаллиф меҳнатининг машаққатини қайд этмоқчимиз: «Москва яқинидаги «Белый столбы» деб аталмиш шаҳарчада жойлашган филмлар хазинасида унинг («Тонг олдидан» филми назарда тутилмоқда — **О.МАЪДИЕВ.**) бирдан бир нусхаси сақланиб қолибди» (176-бет). Аммо «Белые столбы» шаҳарчасидаги филмлар хазинасидан 1934 йили жуда қисқа муддатда тақиқланган филмни топиш ўзи бўлмаган албатта. Худди шу фикрни Н. Ғаниевнинг қамалишига, Худойберган Девоновнинг сўроқ қилинишига оид ҳужжатларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

«Кино санъати тарихи» китоби таркибида «Миллий кино», «Эстетик мустақилликка эришиш жараёни ва бадиий тарбия масалалари», «Кинопублицистика — ҳаёт кўзгуси», «Мерос ва кино», «Кино санъатимизнинг янги кўриниши» деб номланган бўлимлар элликдан ортиқ маълум бир тизим ҳосил қилувчи мақолачалардан иборат. Аммо уларнинг умумий мазмунини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчидан, ўтган асрнинг 30-80-йилларида яратилган асарлар, иккинчидан, мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг янги кино санъати тарихи.

Муаллиф мустақиллик ўзбек кино санъати тарихида янги давр очганини алоҳида таъкидлайди. Китобхон кейинги ўн тўрт йил ичида олинган ўнлаб филмлар фақат янги замондагина яратилиши мумкинлигини аниқ тасаввур қилади. «Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Муқаддас Авесто», «Кўпкари», «Қудуқ», «Ўтмиш шаҳри», «Буюк ипак йўли» каби ҳужжатли ва публицистик филмлар, «Алпомиш», «Соҳибқирон Темур», «Ўтган кунлар»(янги нусхаси), «Отамдан қолган далалар» каби бадиий филмлар ана шу давр маҳсулидир.

Албатта, кино санъатининг кўп муаммолари бадиий филмларни суратга олиш билан боғлиқ. Муаллиф бу ўринда мутахассис сифатида фикр юритиб, айрим асарларнинг талабга жавоб бермаётганини очиқ-ойдин танқид қилади. Хусусан, бундай намуналар ҳақида фикр юритиб, уларни: «... завқли, ҳис-ҳаяжонга бой бўлиши талаб этилади. Биз ҳикоя қилаётган филмни бу жиҳатдан бенуқсон деб бўлмайди. Турғун ҳолда олинган кадрлар кўп. Монтаж суръати ҳамда унинг маромии суст. Асар ҳам ихчам истиоораларга, рамзий образларга, нозик ўхшатишларга ташна кўринади», — дейди.

Китоб билан яқиндан танишиш натижасида фақат кино санъати ҳақида эмас, ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари ижоди юзасидан ҳам «оқ чодир»га алоқадор қизиқарли маълумотлар оламиз. Айниқса, Алишер Навоийнинг «Кино ва ТВ аҳлининг буюк устози» дейилиши, «Фарҳод ва Ширин» достони матни асосида бу мулоҳазанинг исботланиши, Абдулла Қодирийнинг Наби Ғаниев билан ижодий мулоқотда бўлганини баён қилувчи саҳифалар, «Чўлпон — кинематографчи» каби мақолалар кино санъатининг бадиий адабиёт билан уйғун алоқада эканини яна бир бор исботлайди.

Таклиф-мулоҳаза маъносида, назаримизда, мазкур китоб юзасидан асосан икки таклифни билдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аввало, рисолани ўқув қўлланмаси сифатида қабул қилиш қийинроқ туюляпти. Асарда кўпроқ оммабоп тарихий маълумотлар илмий йўлда баён этилган. Қолаверса, китобдаги ўнлаб мақолаларнинг мазмун-моҳияти айрим пайтларда бир-бири билан уйғунлашмай қолганга ўхшайди.

Бу ўринда уларни кино санъати жанрлари бўйича тартибга келтириш асарни тушуниш жараёнини осонлаштирармиди, деган фикрни билдирмоқчимиз.

Хуллас, Ҳ.Акбаровнинг «Кино санъати тарихи» китоби ўзбек киносининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳақида ҳикоя қилувчи қўлланма сифатидагина эмас, кенг китобхон оммаси фойдаланиши мумкин бўлган рисола сифатида ҳам маданиятимиз ривожига қўшилган муносиб ҳисса дейиш мумкин.

Омонулла МАДАЕВ

ИККИ ЭЪЗОЗЛИ УМР

Ҳалоллик, фидойилик, меҳнатсеварлик, камтарлик, элсеварликнинг юки қанчалар оғирлигини Мукаррама Муродовани ўйлаганим сайин яхшироқ ҳис қилгандек бўлавераман. Кейинги ўн беш йиллар давомида деярли ҳар бир суҳбатимизнинг якунида: «Сиз ҳамма нарсани унутиб, бир яхши даволанишингиз керак», — дердим. «Хўп!» — дердилар Мукаррама опа кўзлари билан тасдиқлаб. Лекин орадан озми-кўпми вақт ўтарди-да, у кишининг соғликлари ёмонлашиб қолгач, «тез ёрдам» билан шифохонага олиб кетишгани ҳақида эшитардик.

Мукаррама опа вақтини, соғлигини, пулини аямай меҳрибонлик қиларди — фақат ўзига эмас, фарзандларига, шогирдларига, ҳамкасбларига, қариндошларига, ўзининг ёрдаму маслаҳатига муҳтожларга. Бу фидойиликни заррача оғринмасдан, ҳассос шоира Саида Зуннунова ифодалаганидек, «қаноатда филча бўлиб» ҳаёт тарзига айлантирганди.

Оллоҳ ўзи суйган бандасига бошқаларнинг ишини туширириб қўяркан, суйган бандасига дард-ташвишни кўп-кўп бераркан. Ҳалол меҳнатларни у чин дунёда сийлагувчи — Оллоҳ.

...Талабалик йилларим эди. Курсдошим — Андижоннинг Бўз туманида туғилиб-ўсган, гарчи миллати белорус бўлса-да, ўзбекчадан бошқа тилни билмайдиган Лида Новикларникига бордим. Бўз туманини ўшанда биринчи марта кўрганман.

— Маҳалламизда янги келин бор, кириб чиқамизми? — деди Лида.

Мен ҳамон ўша ҳовлини эртаклардагидек ёки ширин тушимдан қолган хотирадек эслайман. Содда, жуда файзли эди.

Ихчамгина кампир пешвоз чиқдилар. Бизни кўриб шунчалар қувониб кетдиларки, келиннинг уйига бошларкан, гўё учиб борардилар. Бу — раҳматли Мирзакарим ака Пирматовнинг оналари эди.

Ўша куни уйда келин ҳам, куёв ҳам йўқ экан. Лекин уларнинг йўқлиги айни онахон учун гўё бир эркинлик, имконият эди. Бизни дастурхон устида сийлаб ўтириб, келинлари шоира эканлигидан шу қадар қувониб, фахрланиб, ёш боладек мақтаниб гапирдилар.

Мирзакарим Пирматовни иқтидорли ёзувчи, қалами ўткир журналист, садоқатли дўст, фидойи инсон сифатида ва, албатта, Яратганнинг ўзи мартабасини улуғ айлаган аёл зотига чин маънодаги ҳурмати, эъзози баланд шахс сифатида эътироф этаман.

...Ўтган аср 70-йилларининг боши. Биз — Фарғона педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факултети талабалари пахта терими мавсумида чинакам пахтакорга айланиб, янги йилгача далада бўлардик. Энг катта қувончимиз — шеърлар. Шомдан сўнг оёғимизни судраб бизга ётоққа айланган мактабгами, омборхонагами кириб келамиз. Шунда кимдир бошлаб қолади:

Узоқларни қўмсайди қалбим...

Беихтиёр ҳаммамиз жўровозликда шеър айта бошлаймиз:

Узоқларни қўмсайди қалбим,
Узоқларга қўнсайди қалбим.
Ёнгинангда ёниб юргандан,
Узоқларда сўнсайди қалбим.

Бўйгинангни кўрмасам, қани,
Тўйгинангни кўрмасам, қани?
Ҳар тонг ишга ўтар маҳали
Уйгинангни кўрмасам, қани?..

Узоқларни қўмсайди қалбим,
Узоқларда сўнсайди қалбим...

Шеър шеърга уланарди. Йўлаклари калишу қўпол этикларга тўлган, айлана атрофи бизнинг кўрпаларимизу эскитуски жомадонларимиздан бошқа жиҳозси бўлмаган хоналар шеърият саройига айланарди.

Табиат, бир кунлик ҳусн ато эт,
Бугун қаршисида ўтирай порлаб,
Бугун юрак-бағрин келайин доғлаб,
Табиат, бир кунлик ҳусн ато эт...

Яна:

Қизлар ўтиб боради —
бири-биридан сулув,
Қизлар ўтиб боради
кўнглимга ташлаб ғулув...

Бу — ўша пайтда «Саодат» журналида қўш саҳифа бўлиб босилиб чиққан Мукаррама Муродованинг туркум шеърлари эди. Ҳеч ким бу шеърларни ёдлаш учун алоҳида вақт ажратиб ўтирганини билмасдик, лекин яхши кўриб ўқиш давомида бу қуйма ва ёшликнинг қалбига шу қадар яқин сатрлар хотирамизга, дилимиз, тилимизга қуйилиб қолганди.

Ўтган йили... Мукаррама опа Мирзакарим аканинг ажойиб фазилатлари ҳақида гапириб бераётиб, ўша шеърлар билан боғлиқ воқеаларни ҳам айтиб бергандилар.

— Талабалик йилларимда ёзилган бу шеърлар бир одамга бағишланганди, — деб хотирлагандилар. — Ёшлик-да... Лекин мен Мирзакарим акага турмушга чиқишдан аввал бу туркум шеърларнинг ҳаммасини йиртиб ташлаганман. Уларни қайта тилга олиш ҳам гўёки янги оиламга хиёнатдай эди. Бу қилмишимни Мирзакарим ака ҳам эшитган экан.

Тўйдан сўнг ишга чиқмоқчи бўлдим. Шунда у киши менга: «Ишга чиқишингиздан аввал бир иш қиласиз. Яъни ҳозирча уйда ўтириб ўша шеърларингизнинг ҳаммасини қайта тиклайсиз. Қачонки шу ишни бажарганингиздан кейин ишга чиқасиз», дедилар. Бу гапни шундай самимият билан айтдиларки, гўё фикр менинг кимга бағишлаб шеър ёзганим ҳақида эмас, умуман шеър, шеърият ҳақида борарди. Таклифдан кўра кўпроқ топшириққа ўхшаган бу вазифани бажардим...

Одамлар, замонлар билан боғлиқ нене синовларни бошдан кечирмади Мукаррама опа. Уларнинг излари сочларга жуда эрта тушган оқларда, жисму юракка ружу қилган хасталикларда йиллар сайин кў-ўп акс этди. Аниқки, кимнингдир оғирини енгил қилишни, дардига малҳам бўлишни, эл-юрт ишини биринчи даражали, муҳим деб билиб, мана шу фидойиликка — ижодга сарфланиши мумкин бўлган вақтларини юлиб бердилар. Илоҳо, ажру савоби насиб этсин.

Таскин шуки, ҳаётда ҳамиша ҳам насиб этавермайдиган бахт: гарчанд орамиздан жуда эрта кетган бўлсалар-да, икки олижаноб, саховатли инсон — Мирзакарим ака билан Мукаррама опа бир-бирларини англаб, қўллаб, эъзозлаб яшадилар.

Охиратлари обод бўлсин!

Муҳтарама УЛУҒ

Таржима — юксак санъат

УСТОЗИ АВВАЛ

Форобий, Беруний, Ибн Синодек буюк Шарқ алломаларининг устози бўлган Арасту — Аристотелнинг (эрамиздан аввалги 384-322 йиллар) ижодий мероси жаҳон фалсафий эстетик тафаккури хазинасининг қимматли бойлиги саналади. Ўтган йили жаҳон жамоатчилиги Аристотел вафотининг 2300 йиллигини кенг нишонлади.

Яқинда «Янги аср авлоди» нашриёти Арастунинг «Поэтика», «Ахлоқи кабир» асарларини минг нусхада чоп этди. Ҳар иккала рисолани таниқли адабиётшунос олим, ёзувчи ва таржимон Маҳкам Маҳмуд ўзбек тилига таржима қилган ҳамда уларни шарҳлар билан таъминлаган.

Ушбу нашр муносабати билан мухбиримиз таржимон Маҳкам Маҳмуд билан учрашиб суҳбатлашди. Қуйида ана шу суҳбат ва Арастунинг «Ахлоқи кабир» асари таржимасидан айрим парчалар билан танишасиз.

Мухбир: — Сизнинг Арасту ижодига қизиқишингиз қачондан бошланган?

Маҳкам МАҲМУД: — Устози аввал Арасту асарларига олимлар неча минг йиллар давомида қизиқиб келадилар. Бу аллома ижодига қизиқиш каминада талабалик йиллари бошланган. Талабчан устозларимиз Иззат Султон, Фозила Сулаймонова, Озод Шарафиддинов, Алибек Рустамов, Лазиз Қаюмов бизга бадиий ижод назарияси ва амалиётидан чуқур билим бердилар. Тошкент Театр ва рассомчилик институтида дарс берган йилларимда бу соҳа устози, «Антик адабиёт тарихи» дарслиги муаллифи Абдураҳмон Алимуҳаммедов, «Чет эл адабиёти тарихи» дарслиги муаллифи Ортиқ Қаюмов менинг Арасту ижодига қизиқишимни қўллаб-қувватладилар. Шунинг натижасида 1980 йили Арасту «Поэтика»сининг таржимаси ва шарҳлари устоз Иззат Султон таҳрири билан чоп этилди.

Мухбир: — Арастунинг «Поэтика» ва «Ахлоқи кабир» асарларини қайси тилдан таржима қилгансиз?

М.МАҲМУД: — Қадим замонларда ҳам Арасту асарларини бевосита юнон тилидан эмас, балки бошқа тиллардан таржима қилишган. Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун ташкил этган «Байтул-ҳикмат» («Фалсафа уйи» ёки «Маъмун академияси») олимлари Арастунинг аксарият рисолаларини лотинчадан сурёний тилига таржима қилганлар. Ўша замонларда алломанинг энг фаол таржимонлари Ҳунайн ибн Исҳоқ, Матто ибн Юнус, Ал-Киндий, Форобий, Ибн Ҳайлан, Ибн Рушд эдилар. Халифа Маъмун тарозининг бир палласига таржимон Ҳунайн ибн Исҳоқ таржималарини, иккинчи палласига ўша оғирликда олтинни қўйиб, таржимонга ҳақ тўлаган экан. Арасту меросига ҳурмат ўша вақтлар шу даражада юқори бўлган.

«Поэтика»нинг рус тилидаги намуналари орасида В.Г.Аппельротнинг 1893 йили қилган таржимаси ўз аниқлиги билан машҳурдир. 1978 йили Москвадаги «Наука» нашриёти бу асарнинг М.Л.Гаспаров таржимасини қайта нашр этди. «Поэтика»ни В.Г.Аппельрот ҳамда М.Л.Гаспаров таржималари асосида рус тилидан ўзбек тилига (I-XVII бобларини камина, XVIII-XXV бобларини У.Тўйчиев) таржима қилдик.

Умуман, қадимият файласуфи Диоген Лаэртийнинг ёзишича, Арасту жуда бой мерос қолдирган. Қадимги каталогларда унинг бир неча юз асари тилга олинади. Арастунинг ўғли Никомах унинг асарларини асраб, нашр эттириш билан шуғулланган. Арасту асарларидан машҳурлари — «Евдем», «Софист», «Политик», «Мнексен», «Базм» (диалоглар) «Ғоялар ҳақида», «Фаровонлик ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Категориялар», «Софистларга раддия», «Ахлоқи кабир», «Поэтика», «Риторика» ва бошқалар. Унинг бадиий-эстетик қарашлари кўпроқ «Поэтика» ва «Риторика» асарларида ўз ифодасини топган.

Мухбир: — «Поэтика» таржимасига доир тажрибаларингиз ҳақида қисқача бўлсада, гапириб берсангиз.

М.МАҲМУД: — Трагедия таърифидаги сўзларнинг мазмуни кўп асрлардан бери турлича шарҳланиб келинаётир. Бу таърифнинг таржимаси ҳам табиийки, турлича талқинларни ўз ичига олади. Рус тилидаги «действие» сўзи кўп маъноларни, хусусан, «ҳаракат», «иш-ҳаракат», «воқеа», «кўриниш» маъноларини англатади. Ўзбек тилида эса биз «Поэтика»нинг трагедия таърифига оид контекстидан келиб чиқиб, «действие» сўзини «хатти-ҳаракат», «қилгулик» ёки «қилмиш» деб олишни лозим кўрдик. Чунки Арасту санъат назариясига асос қилиб олган трагедияларнинг («Антихона», «Орестя», «Эдип», «Электра» ва бошқалар) мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқсак, асарларда қаҳрамонларнинг қилмиши асосий ўринни эгаллайди. Эдипнинг қилмиши фақат ўзини фожиага учратиб қолмай, балки давлат, жамиятнинг ҳам бошига кўп фалокатлар ёғдиради. Эдипнинг гуноҳи жуда даҳшатли — у ўзи билмагани ҳолда отасини ўлдириб, онасига уйланади. Антихона эса онгли равишда сингиллик бурчини ижро этади. Эдипнинг ўғиллари Этеокл ва Полиник тахт талашиб, ўзаро кураш бошлашади. Полиник ўзга юртларга кетиб, яна олти лашкарбоши билан бирга (еттита бўлиб) она шаҳри Фивага қарши қурашади («Фиванинг етти душмани»). Ака-ука ўзаро жангда ҳалок бўлишади. Фивага ҳукмрон бўлган Креонт Этеоклни шоншавкат билан кўмади. Юртга душманларни бошлаб келган Полиникнинг жасадини эса дафн этмаслик ҳақида фармон чиқаради. Агар кимки фармонни бузса, ўлим жазосига ҳукм этилади. Антихона ўлим хавфидан қўрқмай акасини дафн этаётганида қўлга тушади. Бундай қилмишларни эса оддий «ҳаракат» ёхуд «иш-ҳаракат», ҳатто «воқеа» сўзи билан ифодалаш тўғри бўлмас эди. Бугина эмас, рус тилида драматик асар қаҳрамонларига нисбатан «действующие лица» сўзлари ишлатилади. Ўзбек тилида бу сўзларни оддий «ҳаракат қилувчилар» ёки «қатнашувчилар» деб олиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун биз бу сўзларни «асар қаҳрамонлари» ва «фаол шахслар» деб олдик. Чунки, юқорида айтилгандай, даҳшатли ёки буюк қилмишларни, табиийки, оддий «ҳаракат қилувчилар» эмас, балки фаол шахсларгина юзага келтирадилар.

Арасту асаридаги «мифос»ни Аппельрот «фабула» деб, Гаспаров «сказание» деб таржима қилган. Асар контекстидан, Арасту фикрлари моҳиятидан келиб чиқилса, М.Л.Гаспаров қўллаган сўз — «сказание» мақсадга мувофиқроқ келади. Кейинги вариантни маъқуллаганимиз учун биз «ривоят» деб олдик. Чунки «Поэтика»да худди шу ҳақда гап боради. Тўғри, асар фабуласи, сюжети, бадиий асар воқеаси сўзлари бир-бири билан унчалик узоқ тушунчаларни англатмайди. Шунга қарамай, М.Л.Гаспаров «сказание» сўзини ишлатганининг боиси шуки, Арасту даврида яратилган эпос ва трагедия асарларининг ҳаммасига қадимий мифлар, ривоятларнинг воқеалари асос бўлган. Шунинг учун у вақтларда «ривоят» сўзи «фабула», «сюжет йўллари» маъносида ҳам ишлатилган.

Арасту асарнинг (трагедия асарининг) асосий таркибий қисмларидан, «сюжет йўллари»дан бири деб «перипетия»ни — воқеаларнинг кутилмаган, кескин ўзгаришини кўрсатади. Агар бу сўзларнинг моҳиятидан келиб чиқсак, «перипетия»ни яна «мушкулот» деб таржима қилиш мумкин. Чунки асар воқеалари давомида қаҳрамон тақдирида юз берган, кутилмаган, кескин ўзгариш, албатта, мушкулотни, мураккаб аҳволни юзага келтиради. Ана шу мушкулот пайтларида эса характерлар, одамларнинг қандайлиги билинади...

Албатта, улуғ донишманд Арасту асарларининг таржимаси ҳақида мутахассислар, олимлар, китобхонлар ўз фикрларини билдиришади. Фалсафа фанининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамияти ортиб бораётган бир пайтда бу рисолаларнинг чоп этилгани айни муддао бўлди. Умид қиламизки, мазкур нашр мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг илмий-фалсафий, педагогик савиясини юксалтиришига қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

ЯХШИ ОДАМЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

«Катта ахлоқ китоби»дан

...Фозил одамларнинг вазифалари жуда кўп бўлса-да, энг муҳими, иззат-ҳурмат ва шу каби неъматлардан тўғри фойдаланишни билиши зарур. Муносиб одам (яхши инсон) ўзига кўрсатилган иззат-ҳурматдан, амал-мансабидан агар тўғри фойдаланмаса, қадрсиз бўлиб қолади. Яхши одамни (чин инсонни) иззат-ҳурмати, обрўйи ошиб кетиши, амал-мансабида ўсиши ҳам бузолмайди.

...Умуман олганда, фазилат меъёрни сақлашдадир. Фазилат қанчалар юқори бўлса, унинг меъёри яна ҳам ўрталикдадир. Шу маънода фазилатларнинг кўпайиши одамни бузмайди, балки янада баркамол қилади.

* * *

Сабр-қаноат (ўзни тийиш) ва тийиқсизлик (очкўзлик) ҳақида сўзлаймиз. Бу фазилат (сабр-қаноат) ва бу иллат (очкўзлик) ғалатидир ва шу сабабли бу ҳақдаги фикрларимиз ҳам ўзига хос (atopoi), ғаройибдир. Сабр-қаноат бошқа фазилатларга ўхшамайди. Бошқа фазилатлардан ақлни олайлик. Ақл ва (яхши) ҳиссиёт бир-бирига яқин, булар ўртасида зиддият йўқ. Сабр-қаноат бобида эса ақл ва ҳиссиёт бир-бирига қаршилик кўрсатади *(Масалан, ҳиссиёт бойликка, лаззатга интилади, сабр-қаноат бу ҳиссиётга қаршилик кўрсатиб, уни жиловлайди* — **М.М.***)*.

Кўнгилдаги уч хислат учун бизни ёмон одам (ёки кучлироқ айтилса, одам эмас) дейдилар. Шулардан бири — нопоклик (kakias), иккинчиси — очкўзлик, тийиқсизлик (akrasias), учинчиси — ҳайвонлик (theriotes)дир...

Ҳайвонлик (theriotes — зериотес) — ўтакетган нопоклик-(kakias)дир. Мутлақо нопок одамни кўрсак, бу одам эмас, ҳайвон деб, шундай иллатга нафратимизни билдирамиз. Бунга қарши бўлган фазилатнинг исми ҳам йўқ — бундай фазилат инсонда ҳам кам учрайди, буни қаҳрамонлик ёхуд илоҳийлик, деймиз. *(Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий «Кимиёи саодат» асарида бу фазилатни аниқ қилиб, фаришталарнинг сифати, баъзи гўзал фазилатли одамлар фаришталарга яқиндир, деб таърифлайди* — **М.М.***)*

* * *

...Ҳаддан ошиш, (очкўзлик, олчоқлик) барча соҳаларда юз берадими ёки баъзи соҳаларда, масалан, фақат пулга, иззат-обрўга, шон-шуҳратга ўчликдами, ё қаҳр-ғазабдами? Кўпинча одамлар худди шу соҳаларда очкўзлик қилиб, ўзини тия олмайдилар. Ёки ҳаддан ошиш бошқа бирор соҳада кўпроқ кўринадими?

...Мана шунга ўхшаш чигал масалалар бизни кўпинча ўйлантириб қўяди. Аммо бу масалаларни ҳал этиш зарур. Аввало буларни *(қайси ҳолатларда ҳаддан ошмаслик зарурлигини)* билиш муҳим масаладир. Шуларни билган одамнинг ҳаддан ошиши, гўё билмагандек, ўзгариб қолиши ғалати ҳолдир. Билим билан амал қилиш — **М.М.***)* бошқадир. Тийиқсиз, қаноатсиз одам гўзал, яхши ишамал нималиги ҳақида билимга эга, аммо бунга амал қилмайди. Билимига амал қилмагач, ёмон, гуноҳ ишларга қўл уриши табиийдир. Булар худди уйқудаги одамларга ўхшайди: ухлаётган одам билими бўлса ҳам тушида худди кўп номаъқул ишларни қилади, негаки, билганлари тушида унга таъсир қилмайди. Қаноатсиз, очофат одам ҳам уйқудаги одамга ўхшайди, билимдан фойдаланолмайди.

* * *

Энди роҳат ёки лаззат (hedones — хедонис) масаласига ўтамиз, бу масала бахт-саодат (eydemonias — евдемониас) билан боғлиқдир. Барча одамлар бахт-саодат лаззатли, ширин ҳаёт кечиришда ёхуд умрни кўп ҳолларда роҳат-фароғатда ўтказишда, деб ўйлайдилар. Баъзи одамлар, аксинча, лаззатга ўрганиш ёмон деб, уни неъматлар қаторига қўшишни шубҳа остига оладилар. Бу одамлар бахтни ҳар ҳолда кассалликсиз (ва ғамкулфатсиз) ҳаёт кечиришда деб биладилар. Касалликсиз ҳаёт эса роҳат-фароғатга яқиндир... Бахт-саодат эса (аввал аниқлаб, тасдиқ этганимиздек) мукаммал фазилатларга амал қилиб яшашдадир. Фазилатлар эса роҳат-фароғат ёки ғам-кулфат билан боғлиқдир. Бу ҳақда яна шунинг учун гапирамизки, бахтли ҳаёт роҳат-фароғатсиз ҳам бўлмайди.

* * *

Роҳатни неъмат қаторига қўшмайдиган (олимлар) яна бир далилга суянадилар: баъзи роҳатлар ахлоқсиз, гуноҳ ишлардадир. Бундай далил, бундай баҳолаш фақат роҳат, лаззатга эмас, балки таматга, илм-фанга ҳам алоқадор. Баъзи жониворларнинг, масалан, қуртлар, қўнғизлар ва бошқа жирканч жониворларнинг табиати тубандир. Аммо бундан — табиат тубан, деган маъно чиқмайди. Баъзи ҳунарлар (масалан, инсонлар учун зарарли қуроллар ясаш) тубандир, аммо бундан, умуман, касб-ҳунар тубан, деган маъно чиқмайди. Илм-фанлар ҳам, табиат ҳам ўз турига кўра неъматдир.

Ҳайкалтарош ишига баҳо бериш учун унинг ёмон чиққан асарларига эмас, балки яхши асарларига қаралади. Бошқа касб-ҳунарлар, фикрларга ҳам шундай баҳо берилади. Шунга ўхшаш, роҳат, лаззат ҳам неъматдир, деймиз ва айни чоғда тубан лаззатлар борлигини ҳам унутмаймиз.

* * *

Яна: яхшиликни роҳатланиб қилган одам муносиб, муҳтарамдир, яхшилик қилаётганидан хафа бўлган кимса яхши одам эмас. Чунки одам бир ишни мажбуран бажараётганида хафа бўлади. Мажбур бўлиб (бўйнидан боғлаб судрагандай) иш қиладиган одам номуносиб одамдир. Бундан ташқари, инсон яхшиликни қилаётганида ё қувонади, ё ғам чекади. Ўртача (лоқайд) ҳолатда бўлмайди. Нима учун? Чунки яхшилик фазилати туйғулар ҳаракати (en pathei) билан намоён бўлади. Туйғулар ҳаракати қувонч ёки қайғу билан боғлиқдир, булар ўрталиғида эса ҳеч қандай туйғулар ҳаракати йўқ. Шунинг учун, равшанки, яхшилик ё қайғу, ё қувонч, роҳат билан боғлиқдир. Гўзал ишни хафа бўлиб қиладиган киши яхши одам эмас. Шундай экан, яхшилик қайғу билан эмас, қувонч, роҳат билан биргадир. Хуллас, (чин маънодаги) роҳат фаолиятга халақит бермайди, аксинча, ғайратни оширади. Яхшилик албатта қувонч, роҳат келтиради.

* * *

Умуман олганда, баъзилар ўйлаганидек, фазилатнинг асоси, манбаи ва раҳнамоси — ақл эмас, балки, ta pathe — туйғулар фаолиятидир. Кўнгилда аввало гўзалликка, яхшиликка қандайдир ҳали англанмаган интилиш (hormen alogon) пайдо бўлади, шундан сўнг ақл ўз ҳукми билан интилишга йўл очиб беради. Бу ҳолни биз (беғубор) болаларда ва тилсиз жониворларда кузатишимиз мумкин: уларда ақл бўлмаса ҳам гўзалликка интилиш, (kalon) бор. (Болалар улғайганда) ақл қўшилиб, гўзал ишларни бажаришга ёрдам беради. Аммо ақлнинг ўзида туғилган гўзалликка интилиш бошқачадир: бу ҳолда ақлга туйғулар унчалик бўйсунмайди ва қаршилик кўрсатади. Шунинг учун яхшилик ва фазилатнинг archei — асоси — ақл эмас, балки тўғри, покиза туйғулар ҳаракати (pathos ey diakeimennon)дир.

А.ОТАБОЕВ тайёрлади.

Ёдгома

Дунё — кенг...

ЮРАГИГА МИХ ҚОҚҚАН ЭРКАК

Буюк британиялик бу фуқаро эҳтиётсизлик оқибатида ўз юрагига мих қоқиб, мўъжиза сабаб бўлиб тирик қолди.

Врачларнинг таъкидлашича, унинг жони омон қолгани тезкорлик билан амалга оширилган жарроҳлик амалиётидан эмас, балки, аввало, Яратганнинг иноятн билан рўй берган. Буюк Британиядаги Бертон шаҳарчасида истиқомат қиладиган Нигель Киркнинг ҳаёти қил устида турганидан хабар топган шаҳарликлар нафасларини ичига ютиб, бу бахтсизлик қандай якун топишини кутишди. Н.Кирк ўзининг уйини таъмирлаётиб бехосдан ўз қўли билан юрагига мих қоқиб юборганини пайқамай қолди.

Қутқариш хизмати жарроҳларининг сўзига қараганда, Кирк оғир жароҳатдан ўзини йўқотиб қўймаган, телефон орқали уларни ёрдамга чақирган. Ваҳоланки, 5 сантиметрли мих британияликнинг кўкрагидан тешиб кириб, юрак мушагига қадалган.

— Беморнинг омади бор экан, — дейди жарроҳ Андрей Сосновский, — мих бахтли тасодиф рўй бериб юракнинг қон томирларини четлаб ўтган. Акс ҳолда у ёрдамга чақириш учун ҳам улгурмай, шу заҳоти жон таслим қилган бўларди.

Олдинлари руҳонийлардан ўзини олиб қочиб юрадиган Н.Кирк энди бир кунда бир неча бор тиловат қилиб, мўъжиза туфайли тирик қолгани учун Яратганга шукроналар айтмоқда.

КАНТГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ НАРСА

Руҳнинг вужудга таъсири муаммоси дунё тарихидаги энг қадим мавзулардан. Шунга қарамай, бу ҳақда кўп ёзишган ва бундан кейин ҳам ёзишади. Гап шундаки, аксарият ҳолларда одамнинг ўзи ўзининг касаллигига ҳам, сиҳатсаломатлигига ҳам сабабчи экан.

«Ўзини ўзи ишонтириш» методининг муаллифи Эмил Куэ: «Инсоннинг хаста тасаввури барча касалликларнинг сабабчисидир», деб беҳуда айтмаган. Ҳақиқатан ҳам, киши организми яхши ишлаши учун, аввало, кайфияти аъло, дунёқараши оптимистик, муҳими, ақли тиниқ ва тийрак бўлиши лозим, дейишади мутахассислар. Ғолибларнинг яралари мағлубларникидан кўра тезроқ битиши Қадимги Рим жангчиларига ҳам маълум бўлган. Ғалаба нашидасини сурадиган, бахтли ҳаёт кечирадиганларни ҳатто тумов ҳам четлаб ўтиши бор гап.

Машҳур олим Вильгельм фон Гумболдт XVIII асрда шундай оптимистик фикрни айтган экан: ҳали вақти келиб, касаллик нотўғри фикрлашнинг асорати сифатида баҳоланади ва шунинг учун ҳам касалланиш уят саналади. Унинг дўсти Гёте айни шу ғояни поэтик шаклда ифодалаб: биз нимадан озиқлансак, бизда шу нарса намоён бўлади, деган. Биографларининг таъкидлашича, буюк файласуф Иммануил Кант табиатан ўта касалманд бўлган. Бироқ, иродасининг кучлилиги туфайли у ҳар қандай шамоллашларга бўйин бермаган. Кант ўз танасининг кучсизлигини ва хасталикларга мойиллигини гўё ўзига ҳеч қандай алоқаси йўқ нарсадай қабул қилган ҳамда ўзини мутлақо соғлом одамдай тутган. «Сердиққат, серташвиш одам, — дейди Кант, — ўзини батамом, эркин, босиқ тутиши лозим, чунки ташқи кўриниш ички ҳолатда акс этади».

Хулоса шуки, одамнинг вужудида амал қиладиган хасталик, аввало, унинг руҳига раҳна солади, иродасини синовдан ўтказади, яъни фикр хасталиги танадаги дардга йўл очади, руҳан бардам, метин иродали кишилар эса, аксарият ҳолларда ҳар қандай дардга имкон қолдирмайдилар.

ЭНГ КЎҲНА ҚАЙИҚ

Жанубий Корея археологлари саккиз минг йил илгари ясалган қайиқни топишди.

Кўҳна қайиқ Сеулдан тўрт юз километр узоқликда олиб борилган қазишмалар чоғида топилган. Олимларнинг фикрича, асл ҳолида қайиқнинг узунлиги етти метргача бўлган. Уни ясаш пайтида одамзод ҳали металл қуроллардан фойдаланишни билмаган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчилар — Байрамали МУҚИМОВ, Нодир МАМАНОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3330. Буюртма Г — 654. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН